| | **6-мавзу. Логистика инфратузилмаларига хизмат кўрсатиш харажатлари.** | **4** |
| | **1-амалий машғулот** *(10-ҳафта. Талабалар билимини жорий ва оралиқ баҳолаш бўйича рейтинг балларини жамлаш ҳафтаси)* | **2** |
| **1.** | Логистика издержкаларининг умумий миқдорида инфратузилмага кетадиган харажатлар тушунчаси ва таркиби. | |
| **2.** | Харажатлар классификацияси, ўзгарувчан ва доимий харажатлар. | |
| | **2-амалий машғулот** | **2** |
| **1.** | Интеграллашган транспорт логистика тизимларида харажатларни тежаш. | |

| | | |
|---|---|---|
| 2. | Микро ва макро даражада логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва оптимал қўллаш бўйича харажатларни бошқариш. | |
| **7-мавзу. Логистика инфратузилмалари тизимида нархни шакллантириш.** | | **4** |
| **1-амалий машғулот** | | **2** |
| 1. | Логистика тизимларида нархни шакллантиришнинг асосий тамойиллари ва усуллари. | |
| 2. | Логистика инфратузилмалари хизматларининг нарх ва тарифларини давлат томонидан бошқариш. | |
| 3. | Нарх шакллантириш тизимида логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва сифатини оширишнинг стимуллари. | |
| **2-амалий машғулот** | | **2** |
| 1. | Транспорт хизматларида нарх шаклланишининг механизми ва хусусиятлари. | |
| 2. | Логистика хизматлари халқаро бозорларида нарх шаклланиши тенденциялари. | |
| **8-мавзу. Логистик марказлар ва уларни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси.** | | **4** |
| **1-амалий машғулот** | | **2** |
| 1. | Логистик марказларни шакллантиришнинг хорижий тажрибаси. | |
| 2. | Европа Иттифоқида логистик марказларни ташкил этишнинг моҳияти ва йўллари. | |
| **2-амалий машғулот** | | **2** |
| 1. | Россияда логистик марказларнинг ривожланиши, шаклланиш тенденциялари ва тарихи. | |
| 2. | Марказий Осиё давлатларида логистик марказлар ва уларнинг ташкил этилиши. | |
| 3. | Болтиқ денгизи ҳудудида логистик марказлар. | |
| **9-мавзу. Ўзбекистон Республикасида Ангрен логистик маркази ташкил этилиши ва фаолияти.** | | **4** |
| **1-амалий машғулот** *(17-ҳафта. Талабалар билимини жорий ва оралиқ баҳолаш бўйича рейтинг балларини жамлаш ҳафтаси)* | | **2** |
| 1. | Ўзбекистон Республикасида Ангрен логистик маркази ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари. | |
| 2. | Ангрен логистик маркази фаолиятининг мақсади, вазифалари ва функциялари. | |
| 3. | Ангрен логистик марказининг асосий мижозлари. | |
| **2-амалий машғулот** | | **2** |
| 1. | Ангрен логистик марказининг бошқарув тузилиши таҳлили. | |
| 2. | Ангрен логистик марказининг маркетинг стратегияси. | |
| **Жами** | | **38** |

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

“Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш” фани бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган. Талабалар аудитория машғулотларида профессор-ўқитувчиларнинг маърузасини тинглайдилар, амалий мисоллар ечадилар. Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қилади, уй вазифа сифатида берилган топшириқларни бажаради. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгроқ ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни уқиб реферат (тақдимот)лар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мавзуга доир масалалар, кейс-стади ва ўқув лойиҳаларини Ахборот ресурс маркази манбалари ҳамда изланиш объекти бўлмиш корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларини тўплаган ҳолда бажаради. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўлларини аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Шунинг учун ҳам мустақил таълимсиз ўқув фаолияти самарали бўлиши мумкин эмас. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзуни ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

Фандан мустақил иш мажмуаси фаннинг барча мавзуларини қамраб олган қуйидаги мавзу кўринишида шакллантирилган:

**Талабалар мустақил таълимининг мазмуни ва ҳажми**

| т/р | Мустақил таълим мавзулари | Берилган топшириқлар | Бажариш муддати | Ажратилган соатлар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастуридан ўрин олган логистик масалалар таҳлили | Давлат дастури ва бажарилган ишлар бўйича реферат тайёрлаш | 1,2– ҳафта | 6 |
| 2. | Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича стратегик қарорлар билан боғлиқ рисклар | Индивидуал топшириқларни бажариш | 3,4 - ҳафталар | 8 |
| 3. | Ўзбекистон Республикасида логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг мақсадлари. | Индивидуал топшириқларни бажариш | 5,6 - ҳафталар | 6 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Логистик ифратузилма тизимида порталлар ва хаблар ҳамда уларнинг функциялари | Кейс-стади ишлаш | 7,8,9 - ҳафталар | 8 |
| 5. | Логистика инфратузилмаларини микро ва макро даражада прогнозлаштириш ва стратегик режалаштириш | Тақдимот тайёрлаш | 10,11 – ҳафталар | 6 |
| 6. | Интеграллашган транспорт логистика тизимларида харажатларни тежаш | Индивидуал топшириқларни бажариш | 12,13– ҳафталар | 6 |
| 7. | Нарх шакллантириш тизимида логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва сифатини оширишнинг стимуллари | Индивидуал топшириқларни бажариш | 14,15- ҳафталар | 6 |
| 8. | Инновацион логистика марказларини ривожлантиришнинг хусусиятлари | Кейс-стади ишлаш | 16,17 - ҳафталар | 6 |
| 9. | Ўзбекистон Республикасида логистик маркази ташкил этилиши ва фаолияти | Индивидуал топшириқларни бажариш | 18,19- ҳафталар | 6 |
| **Жами** | | | | **58** |

## КУРС ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Фан бўйича курс иши ўқув режада режалаштирилмаган

### Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технология-ларининг презентация (тақдимот), мультимедиа ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, тақдимот, кейс-стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

### “Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш” фанидан талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезони

“Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш” фани бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек, жорий ва оралиқ назоратларининг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- **жорий назорат (ЖН)** - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллеквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;
- **оралиқ назорат (ОН)** - семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг назарий билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорат бир семестрда икки марта ўтказилади ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;
- **якуний назорат (ЯН)** - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган "Ёзма иш" шаклида ўтказилади.

**ОН** ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда **ОН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ОН** қайта ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан мониторинг ва ички назорат бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида **ЯН** ни ўтказиш жараёни мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда **ЯН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ЯН** қайта ўтказилади.

Талабанинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Фан бўйича талабаларнинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади, шундан: Я.Н.-30 балл, Ж.Н.-35 балл ва О.Н.-35 балл қилиб тақсимланади.

| Балл | Баҳо | Талабаларнинг билим даражаси |
|---|---|---|
| 86-100 | Аъло | Хулоса ва қарор қабул қилиш. Ижодий фикрлай олиш. Мустақил мушоҳада юрита олиш. Олган билимларини амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш |
| 71-85 | Яхши | Мустақил мушоҳада қилиш. Олган билимларини амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш |
| 55-70 | Қониқарли | Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш |
| 0-54 | Қониқарсиз | Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик |

Фан бўйича саралаш бали 55 баллни ташкил этади. Талабанинг саралаш баллдан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайди.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади: $R$=V*Ў/100,

бу ерда: V- семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда); *Ў* -фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талаба якуний назоратга киритилмайди.

Жорий **ЖН** ва оралиқ **ОН** турлари бўйича 55 балл ва ундан юқори бални тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

**ОН** ва **ЯН** турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. **ЯН** семестрнинг охирги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

**ЖН** ва **ОН** назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун эса якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Талабанинг семестрда **ЖН** ва **ОН** турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр давомида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндиси 55 балдан кам бўлса, у академик қарздор деб ҳисобланади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) нафардан кам бўлмаган таркибда аппеляция комиссияси ташкил этилади.

Аппеляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув-услубий бошқарма ҳамда мониторинг ва ички назорат бўлими томонидан назорат қилинади.

## Талабалар ЖН ва ОНдан тўплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

| т/р | Назорат туридаги топшириқларнинг номланиши | Максимал йиғиш мумкин бўлган балл | ЖН ва ОН баллар тақсимоти | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Жорий назоратдаги баллар тақсимоти** | | **35 балл** | *1-ЖН (15 б)* | *2-ЖН (14 б)* | *3-ЖН (6 б)* |
| ***Маъруза машғулотларда*** | | | | | |
| 1. | Талабанинг маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун | 6 | 3 | 2 | 1 |
| 2. | Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши (кейс-стадилар, эссе, реферат, тақдимот ва бошқа турдаги мустақил таълим топшириқлари) | 9 | 3 | 3 | 3 |
| ***Амалий машғулотларда*** | | | | | |
| 1 | Талабанинг машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқ (масала, мисол) ларни бажарганлиги учун | 20 | 9 | 9 | 2 |
| **II. Оралиқ назорат** | | **35 балл** | | | |
| 1. | Биринчи оралиқ назорат (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади) | 15 | Семестрнинг 10-ҳафтаси | | |
| 2. | Иккинчи оралиқ назорат (маърузачи ўқитувчиси томонидан қабул қилинади). Иккинчи оралиқ назорат 2 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич, 10 балл-талаба якка тартибда топшириқлар олади ва ҳимоя қилади. Иккинчи босқич, 10 балл-талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (ҳар бир гуруҳда талабалар сони 5-7 тагача бўлиши мумкин), ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади ва ҳимоя қабул қилинади. | 20 | Семестрнинг 11-17-ҳафталар оралиғида | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Топшириқлар 2-3-ҳафталар оралиғида талабаларга бириктирилади. Гуруҳнинг фаоллиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантиқий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади. Гуруҳдаги ҳар бир талабага 0-10 оралиғида бир хил балл қўйилади. Ҳимоя кафедра мудири томонидан тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади | | |
| **III. Якуний назорат** | | **30 балл** | Семестрнинг охирги икки ҳафтасида |
| **Жами:** | | **100 балл** | |

***Изоҳ.*** Ж.Н. ва О.Н. бўйича талабалар рейтинг балларининг тақсимоти шу фан бўйича ишлаб чиқилган силлабусда батафсил келтирилади.

Якуний назорат "Ёзма иш" шаклида белгиланган бўлса, у ҳолда якуний назорат 30 баллик "Ёзма иш" вариантлари асосида ўтказилади.

Агар якуний назорат марказлашган тест асосида ташкил этилган бўлиб фан бўйича якуний назорат "Тест" шаклида белгиланган бўлса, у ҳолда якуний назорат қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

| № | Кўрсаткичлар | ЯН баллари | |
|---|---|---|---|
| | | **максимал балл** | **ўзгариш оралиғи** |
| 1. | Фан бўйича якуний ёзма иш назорати | 30 | 0-30 |
| 2. | Фан бўйича якуний тест назорати | 30 | 0-30 |
| | **Жами** | **30** | **0-30** |

## Якуний назоратни "Ёзма иш" асосида ўтказиш
## МЕЗОНИ

Талабалар фандан якуний назоратни тест топшириқлари ёки "Ёзма иш" усулида топширадилар ва уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 0 дан 30 баллгача баҳоланади. Агар якуний назорат "Ёзма иш" усулида амалга оширилса, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариантда мавзулар юзасидан бештадан савол бўлиб, ҳар бир саволга тегишли жавоблар ёзилади. Ҳар бир саволга ёзилган жавоблар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 0-6 балл оралиғида баҳоланади. Берилган ҳар бир саволга талаба томонидан фаннинг назарий ва услубий асослари тўғри ва тўлиқ ёритилса, фан доирасида мустақил фикрга эга бўлса ва уни ёзма шаклда баён эта олса, жавобда мантиқий яхлитликка эришилса, ўзлаштириш умумий кўрсаткичи 0-6 балл билан баҳоланади.

Берилган ҳар бир саволга жавоб ёзилмаса, нотўғри жавоб ёзилса ёки ўқув адабиётидан сўзма-сўз кўчириб ёзилса, амалий топшириқ шартида

белгиланган амаллар бажарилмаса, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга таъсир этувчи омиллар аниқланмаса, хулоса ёзилмаса ўзлаштириш кўрсаткичи 0-1 балл билан баҳоланади. Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг ҳар бири учун ёзилган жавобларга қўйилган ўзлаштириш баллари қўшилади ва йиғинди талабанинг якуний назорат бўйича ўзлаштириш бали ҳисобланади.

**Якуний назоратни "Тест топшириқлари" асосида ўтказиш**
**М Е З О Н И**

Агар якуний назорат "Тест топшириқлари" асосида амалга оширилса, синов кўп вариантли усулда компьютер синфларида ўтказилади. Ҳар бир вариантда 30 тадан тест топшириғи бўлиб, талабага саволларнинг жавобини белгилаш учун 30 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тест топшириғига талаба томонидан берилган жавоблар 1 балл билан баҳоланади.

## ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий адабиётлар

1. Гайдаенко А.А., Гайдаенко О.В. Логистика. Учебник. 2-е изд. – М.: КНОРУС, 2009. – 277с.

2. Гаджинский А.М. Логистика. Учебник. 13-е изд. – М.: «Дашков и Ко», 2006. – 432с.

3. Канке А.А., Кашевая И.П. Логистика. Учебник. – М.: ФОРУМ-ИНФРА-М, 2005. – 350с.

4. Неруш Ю.М. Логистика. Учебник. 4-е изд. – М.: ООО «Изд. Проспект», 2006. – 520с.

### Қўшимча адабиётлар

1. Каримов И.А. 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида" ги қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4354-сонли Фармони.

3. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2014. -36 б.

4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. - 36 б.

5. Каримов И.А. "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади". – Т.: Ўзбекистон, 2012. - 36 б.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 282 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 281 б.

9. Қориева Ё.К. Глобаллашув жараёнида халқаро транспорт логистик тизими фаолиятининг самарадорлиги. – Т.: ТДИУ, 2003. – 147б.

**Интернет сайтлари**

1. www.economics.ru
2. www.ved.ru
3. www.ser.uz
4. www.uza.uz
4. www.ifmr.uz
5. www.Lex.uz
6. www.ziyonet.uz
7. www.logistika.uz
8. www.brand.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## «ЛОГИСТИКА ИНФРАТУЗИЛМАЛРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ФАНИДАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**ТОШКЕНТ – 201_**

«Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш» фанидан таълим технологияси. Услубий қўлланма «Иқтисодий таълимда ўқитиш технологиялари» сериясидан. – Т.: ТДИУ, 201_, 216 бет.

Тақризчилар:
**и.ф.д., проф. Салимов Б.Т.**
**катта ўқитувчи Хошимова Д.**

**Услубий қўлланмада «Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш» фанини ўқитиш бўйича таълим технологиялари, уларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар баён этилган. Ушбу тавсиялар дидактик тамойиллар, маъруза ва семинар машғулотлари технологияларини ишлаб чиқиш усул ва воситалари, уларнинг муҳим белгиларидан иборат таълимни технологиялаш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилган.**

**Китоб олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалари, иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий педагогик технологияларини қўллаш жараёнларига қизиқувчилар учун мўлжалланган.**

**© Иқтисодиёт, 201_**

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| **КИРИШ** | | **6** |
| **«ЛОГИСТИКА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ** | | **13** |
| **МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ** | | **16** |
| **1-мавзу** | Инфратузилма шаклланишида логистик ёндашув | **17** |
| 1.1. | Кириш-ахборот маъруза, “Инсерт”, “Б.Б.Б.”жадвалидан фойдаланилган ҳолда ўқитиш технологияси | **17** |
| 1.2. | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўқитиш технологияси | **26** |
| **2-мавзу** | Логистика инфратузилмаларини ташкил этиш ва лойиҳалаштиришнинг иқтисодий асослари | **30** |
| 2.1. | Ахборот, визуал маъруза, “Б.Б.Б.” жадвали график органайзеридан фойдаланган ҳолда ўқитиш технологияси | **30** |
| 2.2. | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўқитиш технологияси: | **37** |
| **3-мавзу** | Ўзбекистон Республикасида логистика инфратузилмаларини ривожлантириш | **40** |
| 3.1. | Ахборот-визуал, “Инсерт”, “Б.Б.Б” жадвалидан фойдаланилган ҳолда маърузани ўқитиш технологияси | **40** |
| 3.2. | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўқитиш технологияси: | **46** |
| **4-мавзу** | Логистика инфратузилмаларининг асосий элементлари ва уларни ташкил қилиш | **50** |
| 4.1. | Ахборот-визуал, “Вена”диаграммасини қўллаган ҳолда маърузани ўқитиш технологияси | **50** |
| 4.2. | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўқитиш технологияси: | **59** |
| **5-мавзу** | Логистика инфратузилмаларини микро ва макро даражада ривожлантиришнинг муаммолари | **66** |
| 5.1. | Ахборот-визуал, “Т-схема”, “ФСМУ” техникасини қўллаган ҳолда маърузани ўқитиш технологияси | **66** |
| 5.2. | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўқитиш технологияси: | **72** |
| **6-мавзу** | Логистика инфратузилмаларига хизмат кўрсатиш харажатлари | **77** |
| 6.1. | Ахборот, баҳс мунозара маърузани ўқитиш технологияси | **77** |
| 6.2. | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўқитиш технологияси: | **83** |
| **7-мавзу** | Логистика инфратузилмалари тизимида нархни шакллантириш | **87** |
| 7.1. | Ахборот-визуал ,“Инсерт”, “Б.Б.Б” жадвалидан фойдаланилган ҳолда маърузани ўқитиш технологияси | **87** |
| 7.2. | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўқитиш технологияси: | **94** |
| **8-мавзу** | Логистик марказлар ва уларни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси | **100** |
| 8.1. | Ахборот-визуал,“Инсерт”, “Б.Б.Б” жадвалидан фойдаланилган ҳолда маърузани ўқитиш технологияси | **100** |

| | | |
|---|---|---|
| 8.2. | Билимларни чукурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўкитиш технологияси: | **107** |
| **9-мавзу** | Узбекистон Республикасида Ангрен логистик маркази ташкил этилиши ва фаолияти | **112** |
| 9.1 | Ахборот-визуал маърузани ўкитиш технологияси | **112** |
| 9.2. | Билимларни чукурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулотини ўкитиш технологияси: | **118** |
| **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** | | |

## КИРИШ

«Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш» фанидан таълим технологияси «Иқтисодий олий таълим муассасаларида маъруза ва семинарларни ўқитиш технологияси» ўқув қўлланмасида баён этилган дарс машғулотларида янги технологияларни қўллаш қонун-қоидаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тармоқлар, корхоналар ва фирмаларни самарали бошқариш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакат иқтисодиёти олдида турган асосий вазифалар тўғрисида тўхталиб, "Навоий шаҳри аэропорти негизида ташкил қилинган халқаро логистика маркази Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёга авиация орқали юк ташишни амалга оширишга хизмат қилмоқда" деб таъкидлайди[2], албатта эришилган ютуқларни янада такомиллаштириш учун, мутахассисларга илғор тажрибаларни ўрганиш, ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилашда "Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш" фани муҳим ўрин тутади.

Китобда келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирган. Шунингдек, бу ўқув машғулотининг технологик картасини, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Китоб таркиби кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари, ҳар бир мавзу бўйича маъруза ва семинар машғулотларида ўқитиш технологиясидан иборат. Маълумотлар максимал даражада умумлаштирилган ва тартибга солинган. Уларни ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолишни кучайтириш учун жадвал ва чизмалардан фойдаланилган.

Китобнинг концептуал асослари қисмида дастлаб «Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш» фанининг долзарблиги ва аҳамияти, мазкур ўқув фанининг таркибий тузилиши, ўқитишнинг усул ва воситаларини танлашда таянилган концептуал фикрлар, коммуникациялар, ахборотлар берилиб, сўнгра лойиҳалаштирилган, ўқитиш технологиялари тақдим қилинган.

(1) Тўққиз турдаги маъруза машғулотлари: кириш, тематик, визуал–маъруза, маъруза-мунозара, ҳамкорликдаги маъруза, аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза, шарҳловчи маъруза берилган.

(2) Семинар машғулотларида билимларни кенгайтириш ва

---

[2] Каримов И.А. 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида" ги қарори

чуқурлаштиришга йўналтирилган семинар, ишбилармонлик ўйинларига асосланган, аниқ ҳолатларнинг ечими бўйича семинар ўтиш технологиялари мавжуд ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда жаҳон тажрибасидан кўриниб турибдики, таълим жараёнига ўқитишнинг янги, замонавий усул ва воситлари кириб келмоқда ва самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, Тошкент давлат иктисодиёт университетида ҳам инновацион ва замонавий педагогик ғоялар амалга оширилмоқда: ўқитувчи билим олишнинг ягона манбаи бўлиб қолиши керак эмас, балки талабалар мустакил ишлаш жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси, ўқув жараёнининг менежери бўлиши лозим. Таълим технологиясини ишлаб чиқиш асосида айнан шу ғоялар ётади.

## “ЛОГИСТИКА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” ФАНИДАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

| | |
|---|---|
| 1. | **«Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш» фанининг долзарблиги ва аҳамияти** |

Ўзбекистон Республикаси инсон хуқуклари ва эркинликларига оғишмай риоя этилишини таъминлайдиган демократик хуқукқй давлат ҳамда фукаролар жамияти қуришга, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга, жамиятни маънавий янгилашга, жахон хамжамиятига уйгунлашувга каратилган йулни танлаб олди.

Мамлакатнинг ўзига хос менталитетини щисобга олган щолда Узбекистон танлаб олган ўз ривожланиш модели, шунга олиб келдики, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маънавий хаётнинг тараккий этган мамлакатларда умумэътироф этган тамойиллари хамда меъёрлари хукмрон ва мукаррар хусусият касб этиб, улар республиканинг нафакат хозирги холатини, балки унинг тараккиётини белгилайди.

Бозор муносабатлари шароитида олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлашда
чукур узгаришларга уз билим ва тажрибалари билан мослаша оладиган, жахон андозаларига жавоб бера оладиган замонавий кадрларни етказиб бериш мухим масала хисобланади.

«Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш» фанининг максади булиб ушбу фан буйича тахсил олаётган талабаларга бошкарув асосларини макро ва микроиктисодий даражада ургатиш асосида уларнинг етук ва юкори малакали мутахассис булишларини хамда олинган билимлари асосида укиш ва илмий изланишларини давом эттиришларини таъминлашдир.

Фаннинг вазифалари куйидагилардан иборат:

- бозор иктисодиёти шароитида Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш фанининг тутган урни ва уни урганишнинг зарурати;
- Логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг конун ва тамойилларини урганиш, улардан амалиётда фойдаланиш;
- менежер кадрларни укитиш ва улардан иктисодиётни бошкаришда самарали фойдаланиш;
- Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш самарадорлиги курсаткичлари ва уни бахолаш усулларини урганиш.

Талабалар курсни узлаштиришда уларга куйилган талабларни яхши билишлари керак. Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш йуналишини битириб чикувчи бакалаврлар мамлакатимиз иктисодиётининг турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларида фаолият олиб борадилар. Шу сабабли корхона иктисодиёти, уни тахлил этиш йулларини пухта узлаштириб олишлари зарур. Шунингдек, бошкарув санъатини чукур урганишлари, турли погонадаги рахбарлар ва ходимлар билан мулокот олиб

бориш хамда шартномалар тузиш асосларини билишлари шарт.

«Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш» фани ижтимоий-гуманитар, умумиктисодий, табиий ва математик фанлар билан узвий алокадордир. Фаннинг назарий-услубий асосини иктисодий назария, бозор назарияси ва бошкарув назарияси каби фанлар белгилайди. Бундан ташкари Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш фани макроиктисодиёт, микроиктисодиёт, логистикани стратегик бошқариш, инновацион логистика, ташкилот назарияси, операцион Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш, социология, психология, персонални бошкариш, эконометрика, тармоклар иктисодиёти ва бошка фанлар билан алокадордир.

«Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш» фанини укитиш доимо янги билимларга асосланиши керак. Айникса, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш фанни укитишда юкори самара келтиради.

Барча турдаги ўкув машғулотларини олиб бориш жараёнида намунавий ўкув дастурида келтирилган адабиётлар рўйхатидан ташкари янги нашр этилаётган Узбекистон Республикаси Қонунлари, мамлакатимиз Президенти Фармонлари, Вазирлар Махкамасининг карорлари, турли коидалар хамда йурикномалардан ва утиладиган мавзуларга тегишли адабиётлардан хам фойдаланиш зарурдир.

Ушбу фанни узлаштириш сифатини оширишга «Иктисодиёт назарияси», «Иктисодий таълимотлар тарихи», «Макроиктисодиёт», «Микроиктисодиёт», «Маркетинг асослари», «Корхона иктисодиёти», «Бошкариш назарияси», «Иш юритиш» каби фанларни урганиш катта ёрдам беради.

Мустакил таълим сифатида давлат бошкаруви ва Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш тизимлари уртасидаги узвий богликлик, хорижий мамлакатлардаги фирма ва компанияларнинг Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш тизимидаги узгаришлар ва янгиликлар, шунингдек бозор иктисодиётига утиш шароитида мамлакатимизда Логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг шаклланиш ва ривожланишининг хозирги холатини чукур урганиш зарурдир.

Фанни урганишда мамлакатимиздаги ва жахон мамлакатларидаги замонавий Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш тизимидаги узгаришлар тугрисидаги маълумотлардан кенг фойдаланиш лозим. Бунда Халкаро Интернет тизими, Халкаро менежерлар уюшмаси ва бошка куплаб халкаро иктисодий ва гуманитар ташкилотларнинг материалларидан фойдаланиш ижобий натижалар беради.

Фанни урганиш хорижий ва мамлакатимиз иктисодчиларининг замонавий бошкарув, яъни Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш муаммоларига оид илмий ишларини чукур урганиш, мустакил ишларни бажариш ва курс ишларини ёзиш билан мустахкамланади.

Шу билан бирга халқаро андозаларга мос келувчи мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг юқори иқтисодий таълим даражасини таъминлаш, бу вазифани сифатли, самарали, тушунарли амалга ошириш Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш фанининг асосий услубий вазифаси ҳисобланади. Уни амалга ошириш ўқитиш жараёнини

технологиялаштириш, таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни зарур қилиб қўяди.

**«Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш» фанидан маъруза ва семинар машғулотлари мавзуларининг соатлар бўйича тақсимоти жадвали**

| № | Мавзуларнинг номи | Аудитория соатлари | |
|---|---|---|---|
| | | Маъруза соати | Семинар машғулоти соати |
| 1. | Инфратузилма шаклланишида логистик ёндашув | 2 | 4 |
| 2. | Логистика инфратузилмаларини ташкил этиш ва лойиҳалаштиришнинг иқтисодий асослари | 2 | 6 |
| 3. | Ўзбекистон Республикасида логистика инфратузилмаларини ривожлантириш | 2 | 4 |
| 4. | Логистика инфратузилмаларининг асосий элементлари ва уларни ташкил қилиш | 2 | 4 |
| 5. | Логистика инфратузилмаларини микро ва макро даражада ривожлантиришнинг муаммолари | 2 | 4 |
| 6. | Логистика инфратузилмаларига хизмат кўрсатиш харажатлари | 2 | 4 |
| 7. | Логистика инфратузилмалари тизимида нархни шакллантириш | 2 | 4 |
| 8. | Логистик марказлар ва уларни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси | 2 | 4 |
| 9. | Ўзбекистон Республикасида Ангрен логистик маркази ташкил этилиши ва фаолияти | 2 | 4 |
| | **Жами:** | **18** | **38** |

| 2. | "Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш" фанининг мазмуни ва моҳияти |
|---|---|

## АСОСИЙ ҚИСМ

### Фан бўйича маъруза мавзулари ва уларнинг мазмуни

**Инфратузилма шаклланишида логистик ёндашув.**

Инфратузилма тушунчаси, мазмуни ва моҳияти. Инфратузилмани ривожлантириш мақсади. Инфратузилмани ташкил этувчилари. Инфратузилма тизими турлари: бозор инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилма, институционал инфратузилма. Логистика инфратузилмалари тушунчаси, мазмуни ва моҳияти. Бошқарув объекти сифатида логистика инфратузилмалари хусусиятлари. Логистика инфратузилмаларига умумий талаблар. Логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг тизимли методологияси. Логистика инфратузилмаларининг иқтисодий ривожланишга таъсири. Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича стратегик қарорлар билан боглиқ рисклар.

**Логистика инфратузилмаларини ташкил этиш ва лойиҳалаштиришнинг иқтисодий асослари.**

Логистика инфратузилмалари тушунчаси, мазмуни ва моҳияти. Логистика инфратузилмаларини бошқариш тизими. Логистика инфратузилмаларининг асосий элементлари. Иқтисодиётни логистикага таъсири. Логистика занжирини ташкил этишнинг моҳияти. Транспорт ва тақсимлаш марказлари. Логистика тизимларининг асосий тушунчалари ва классификацияси. Логистика инфратузилмаларини шакллантириш асослари. Логистика инфратузилмаларининг функциялари. Мультимодал транспорт логистика марказлари.

**Ўзбекистон Республикасида логистика инфратузилмаларини ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 06.03.2015 даги "2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида" ги қарори мазмуни. Логистикани стратегик бошқариш. Логистика ва логистика инфратузилмаларини ривожланиш стратегиялари. Стратегик масалаларнинг мохияти, асослари ва турлари. Стратегик рисклар ва уларни олдини олиш. Танланган стратегиянинг бизнес режасини макети. Ишлаб чиқариш логистикаси. Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича стратегияни танлаш. Логистика инфратузилмаларини назорат қилишнинг кўрсаткичлари. Логистика инратузилмалари кўрсаткичларининг мониторинги. Логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг асосий

вазифалари.логистика инфратузилмаларини ривожлантиришда иқтисодий-математик услублар. Ўзбекистон Республикасида логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг мақсадлари.

**Логистика инфратузилмаларининг асосий элементлари ва уларни ташкил қилиш.**

Логистика инфратузилмаларининг асосий элементлари. Чизиқли ва хол-хол тизмали логистик инфратузилма элементлари. Логистик ифратузилма тизимида порталлар ва хаблар ҳамда уларнинг функциялари. Порталлар – иқтисодиётнинг ривожланиш элементи сифатида. Хаблар – логистик тўрларда оқимларни бошқариш элементи сифатида. Транспорт йўлаклари тушунчаси. Логистик тўрларда ва глобал етказиб бериш занжирларида транспорт йўлакларининг роли. Ўзбекистон Республикаси логистик тизимида транспорт йўлаклари, порталлар ва хаблар. Логистик тўрларда терминал тушунчаси. Логистикада терминал турлари ва уларнинг функциялари. Логististика инфратузилмаларини ташкил қилишнинг худудий тамойиллари. Логистика марказлари ва логистика тармоқлари тушунчалари. Логистика марказларини жойлаштиришнинг хусусиятлари. Логистика инфратузилмаларини лойиҳалаштириш, ташкил қилиш ва ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини ошириш. Транспорт сохасига инвестицияларни жалб этиш муаммолари. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг инновацион лойиҳалари.

**Логистика инфратузилмаларини микро ва макро даражада ривожлантиришнинг муаммолари.**

Логистика инфратузилмаларининг микро ва макро даражадаги асосий элементлари, тизимлари ва комплекслари. Логистика жараёнларида омбор комплекслари ва юк терминалларининг самарадорлигини баҳолаш. Транспорт логистика инфратузилмасининг асосий элементлари(транспорт тармоғи, узеллари, терминаллари). Логистика инфратузилмаларининг макро даражадаги замонавий таркибий қисмлари иқтисодий самарадорлиги. Логистика инфратузилмаларини микро ва макро даражада прогнозлаштириш ва стратегик режалаштириш.

**Логистика инфратузилмаларига хизмат кўрсатиш харажатлари.**

Логистика харажатларининг умумий миқдорида инфратузилмага кетадиган харажатлар тушунчаси ва таркиби. Транспорт харажатларининг асосий турлари ва уларни шакллантиришнинг тамойиллари. Харажатлар классификацияси, ўзгарувчан ва доимий харажатлар. Транспорт экспедитор сервисининг харажатлари. Юк етказиб беришнинг мульти модал технологиялари транспортининг харажатлари. Интеграллашган транспорт логистика тизимларида харажатларни тежаш. Микро ва макро даражада логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва оптимал қўллаш бўйича харажатларни бошқариш.

**Логистика инфратузилмалари тизимида нархни шакллантириш.**

Логистика тизимларида нархни шакллантиришнинг асосий тамойиллари ва усуллари. Логистика инфратузилмаларининг алоҳида элементларини қўллашга нарх ва тарифларни шакллантиришнинг хусусиятлари. Логистика инфратузилмалари хизматларининг нарх ва тарифларини давлат томонидан бошқариш. Нарх шакллантириш тизимида логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва сифатини оширишнинг стимуллари. Транспорт хизматларида нарх шаклланишининг механизми ва хусусиятлари. Логистика хизматлари халқаро бозорларида нарх шаклланиши тенденциялари.

**Логистик марказлар ва уларни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси.**

Логистик марказларни шакллантиришнинг хорижий тажрибаси. Логистик марказларнинг турлари ва ривожланиш тенденциялари. Логистик марказларнинг таснифи. Логистик марказлар шаклланишининг методологик тамойиллари. Европа Иттифоқида логистик марказларни ташкил этишнинг моҳияти ва йўллари. Ғарбий Европа логистик марказлари. Болтиқ денгизи ҳудудида логистик марказлар. Логистик марказларни ташкил этишнинг Россия тажрибаси. Россияда логистик марказларнинг ривожланиши, шаклланиш тенденциялари ва тарихи. Россиянинг "Шимолий-ғарб" логистик тизими ва логистик марказлар тўри. Марказий Осиё давлатларида логистик марказлар ва уларнинг ташкил этилиши. Мультимодал транспорт логистик марказлар тушунчаси, уларнинг миссияси, мақсади, вазифалари ва функционал хусусиятлари.

**Ўзбекистон Республикасида Ангрен логистик маркази ташкил этилиши ва фаолияти.**

Ўзбекистон Республикасида Ангрен логистик маркази ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари. Ангрен логистик маркази фаолиятининг мақсади, вазифалари ва функциялари. Ангрен логистик марказининг бошқарув тузилиши таҳлили. Ангрен логистик марказининг маркетинг стратегияси. Ангрен логистик марказининг асосий мижозлари. Ангрен логистик марказининг асосий хизмат турлари: автомобил транспорти турлари, темир йўл транспорти турлари, юкларни экспедиция қилиш, юкларни ортиш ва тушуриш хизматлари, омборхоналаштириш хизматлари, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш хизматлари ва бошқа хизматлар. Ангрен логистик марказининг хизмат тарифлари.

| 3. | **“Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш” фани бўйича маъруза ва семинар машғулотларида таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари** |
|---|---|

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Фалсафа, педагогика ва психологияда бу йўналишнинг ўзига хослиги талабанинг индивидуаллигига алоҳида эътибор бериш орқали намоён бўлади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда “Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш” курсининг таълим технологияларини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндашувларга эътибор бериш керак.

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги. Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутади. Бу эса Давлат таълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унингнинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам англатади.

- **Тизимли ёндашув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.
- **Амалий ёндашув**. Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш; ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишни шарт қилиб қўяди.
- **Диалогик ёндашув**. Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш заруратини белгилайди. Натижада эса, шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдимот кучаяди.
- **Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократия, тенглик, субъектлар муносабатида ўқитувчи ва ўқувчининг тенглиги, мақсадини ва фаолият мазмунини биргаликда аниклашни кўзда тутади.
- Ахборот беришнинг энг янги восита ва усулларидан фойдаланиш, яъни ўқув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш.

Юқоридаги концептуал ёндашув ва “Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш” фанининг таркиби, мазмуни, ўқув ахборот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг қуйидаги усул ва воситалари танлаб олинди.

- **Ўқитиш усуллари ва техникаси:** мулоқот, кейс стади, муаммоли усул, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий ҳужум”, инсерт, “Биргаликда ўрганамиз”, пинборд, маъруза (кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференция, аниқ ҳолатларни ечиш, аввалдан режалаштирилган хатоли, шарҳловчи, якуний).
- **Ўқитишни ташкил қилиш шакллари:** фронтал, коллектив, гуруҳий, диалог, полилог ва ўзаро ҳамкорликка асосланган.

- **Ўқитиш воситалари:** одатдаги ўқитиш воситалари (дарслик, маъруза матни, таянч конспекти, кодоскоп)дан ташқари график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.
- **Ўзаро алоқа воситалари:** назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитишнинг диагностикаси (ташхиси).
- **Бошқаришнинг усули ва воситалари.** Ўқув машғулотини технологик карта кўринишида режалаштириш ўқув машғулотининг босқичларини белгилаб, қўйилган мақсадга эришишда ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларини аниқлаб беради.
- **Мониторинг ва баҳолаш.** Ўқув машғулоти ва бутун курс давомида ўқитиш натижаларини кузатиб бориш, ўқувчи фаолиятини ҳар бир машғулот ва йил давомида рейтинг асосида баҳолаш.

**Маъруза машғулотини ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:**

| № | Маъруза шакллари | Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари |
|---|---|---|
| 1. | Киришмаърузаси | Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради.<br>Педагогик вазифаси: ўкувчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билантаништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг кисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари ва таникли олимлар номлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия килинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шаклларини белгилаш. |
| 2. | Маъруза ахборот | Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси:ўкув маълумотларини баён килиш ва тушунтириш. |
| 3. | Шарҳловчи маъруза | Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади.<br>Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш. |
| 4. | Муаммоли маъруза | Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда ўқувчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга якинлашди.<br>Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш. |
| 5. | Визуал маъруза | Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қиска шарҳлар беришга қаратилган.<br>Педагогик вазифаси: янги ўкув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш. |
| 6. | Бинар (икки кишилик) маъруза | Бу маъруза икки ўкитувчининг ёки иккита илмий мактаб намоёндасининг, ўқитувчи-талабанинг диалогидан иборат.<br>Педагогик вазифаси: янги ўкув маълумотларининг мазмунини |

| | | |
|---|---|---|
| | | ёритиш. |
| 7. | Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза | Хатоларни излашга мўлжалланган мазмуни ва услубиятида, маъруза охирида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар текширилади.<br>Педагогик вазифаси: янги материаллар мазмунини ёритиш, берилган маълумотни доимий назорат қилишга талабаларни рағбатлантириш. |
| 8. | Маъруза конференция | Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими(5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва талабаларнинг маърузаларга якун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади.<br>Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш. |
| 9. | Маслаҳат маъруза | Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади.<br>2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради.<br>Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган. |

## "ЛОГИСТИКА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ" ФАНИДАН МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 1-мавзу. | Инфратузилма шаклланишида логистик ёндашув |
|---|---|

### 1.1.Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 35-40 нафар |
|---|---|
| Ўқув машғулотининг шакли | Кириш, визуал маъруза |
| **Маъруза машғулотининг режаси** | 1. Инфратузилма тушунчаси, мазмуни ва моҳияти.<br>2. Бошқарув объекти сифатида логистика инфратузилмалари хусусиятлари.<br>3. Логистика инфратузилмаларининг иқтисодий ривожланишга таъсири<br>4. Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича стратегик қарорлар билан боглиқ рисклар. |
| *Педагогик вазифалар:*<br>-курснинг мақсади ва вазифаларини тушунтириш;<br>- курснинг тузилмаси, ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва баҳолаш шаклларини тавсифлаш;<br>- Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш, менежер, раҳбар, тадбиркор тушунчаларини таърифлаш;<br>- бошқарув жараёни ва менежер вазифалари моҳиятини тушунтириш;<br>-бошқариш жараёнини амалга ошириш йулларини тушунтириш;<br>- бошқариш вазифалари асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича тассаввур ҳосил қилиш. | Логистика инфратузилмаларининг иқтисодий ривожланишга таъсири |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича стратегик қарорлар билан боғлиқ рисклар. |
| Ўқитиш воситалари | Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар. |

| | |
|---|---|
| Укитиш шакли | Жамоа, гурух ва жуфтликда ишлаш. |
| Укитиш шарт-шароити | Проектор, компьютер билан жихозланган аудитория |

**Маъруза машғулотининг технологик картаси**

| Боскичлар, вакти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Укитувчи** | **Талаба** |
| 1-боскич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Укув предметнинг номини айтади. Фан тугрисида илк умумий тушунча беради, ишни фан доирасидаги услубий ва ташкилий хусусиятларини очиб беради.<br>1.2.Укув фанининг мантикий-тизимли тарзда мавзулар кетма-кетлигини маълум килади, (1-илова ) амалий машғулотлар билан боғлаган холда кискача характеристика беради. Фаннинг рейтинги, жорий бахолаш, оралик бахолаш ва якуний бахолаш мезонлари билан таништиради.(2-илова) Асосий адабиётлар руйхати билан таништиради (10- илова) | Эшитади, ёзиб олади. |
| 2-боскич. Асосий (60 мин.) | 2.1.Билимларни долзарблигини ошириш максадида саволлар беради:<br>Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш жараёни деганда нимани тушунасиз?<br>Логистика инфратузилмаларини ривожлантиришга хос кандай атамаларни биласиз?<br>Бошкарув жараёнини амалга оширишдан максад?<br>Менежер билан тадбиркор қандай хусусиятлари билан фаркланади<br>Бозор иктисодиёти шароида менежернинг роли кандай?<br>2.2.Жавобларни умумлаштирган холда фаннинг мақсади, мазмунини визуал материаллар ёрдамида (3-7 иловалар) тушунтиради. Ушбу фандан олинган билим ва куникмаларини амалиётда ва битирув малакавий иш ёзишда қўллашлари мумкинлигига урғу беради. | Саволларга жавоб берадилар<br><br>Тинглайдилар<br><br>Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради. |
| 3-боскич. Якуний (10 мин.) | 3.1 Мазкур мавзу буйича умумий хулоса килади ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (8- илова) | Эшитади, аниклаштиради.<br><br>Топширикни ёзиб олади. |

1-илова


Маъруза
Семинар
Таълимнинг асосий услуби
Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш фанининг мохияти, мазмуни ва максади
Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш назарияси ва амалиётининг ривожланиши
3) Омборнинг талаб этилган майдонини аниқлаймиз. Товарларнинг ошган хажмини сақлаш учун (45 минг.т, ёки 5137м3) 1211м2 ўлчамга эга бўлган қўшимча омбор майдони талаб этилади.

$$S = 2000 - \frac{5137 \times 3,84}{12,288 \times 0,5} = 1211\text{м}^2$$

**5-масала.** Агар хар бир тизим учун қуйидаги кўрсаткичлар маълум бўлса, таклиф килинаётган учта тизимдан биттасини тадбиқ қилиш учун танланг.

Солиштирилаётган тизим кўрсаткич белгилари

| Кўрсаткич | 1- тизим | 2- тизим | 3- тизим |
|---|---|---|---|
| Йиллик эксплуатация кўрсаткичлари, долл. | 7050 | 9020 | 6100 |
| Йиллик транспорт харажатлари, долл. | 3500 | 4850 | 7040 |
| Бир марталик харажатлар, долл. | 50000 | 60000 | 40000 |
| Тизимнинг қоплаш муддати, йил. | 5,2 | 5,5 | 4,9 |

**Масала ечиш намунаси:**

Таклиф қилинаётган тизимлардан биттасини танлаш учун танлов мезонини ўрнатиш лозим. Таклиф қилинаётган тизимларни таққослаш шартлари уни ташкил қилиш ва ишлатиш билан боғлиқ харажатларни тавсифлайди. Маълумки, бу харажатлар турли хил йиллик ўлчамларга эга. Шу сабабли барча харажатларни битта йиллик харажатлар ўлчамига келтириб олишимиз керак, шундагина танлов критерияси сифатида “келтирилган минимум харажатлар” мезони келиб чиқади.

Келтирилган харажатлар катталигини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$З_{келт} = З_{экспл} + З_{тран} + \frac{З_{бир\ март}}{Т_{қопл}}$$

бу ерда:

$З_{келт.}$– тақсимот тизимининг йиллик келтирилган харажатлари, долл./йил;

$З_{тран}$– йиллик транспорт харажатлари, долл;

$З_{экспл}$– йиллик экспулатация харажатлар, долл./йил;

$З_{бир.март.}$– бир марталик харажатлар, долл.;

$Т_{копл.}$ – тизимнинг қоплаш муддати, йил.

1- тизим:

$$7050 + 3500 + \frac{50000}{5,2} = 20,165$$

2- тизим:

$$9020 + 4850 + \frac{60000}{5,5} = 24,779$$

3- тизим:

$$6100 + 7040 + \frac{40000}{4,9} = 21,30$$

Демак, келтирилган тизимларни ичида 1-тизимни тадбиқ этишга танлаш мақсадга мувофиқдир.

**6-масала.** Агар хар бир тизим учун қуйидаги кўрсаткичлар маълум бўлса, таклиф қилинаётган учта тизимдан биттасини тадбиқ қилиш учун танланг.

Солиштирилаётган тизим кўрсаткич белгилари

| Кўрсаткич | 1- тизим | 2- тизим | 3- тизим | 4-тизим |
|---|---|---|---|---|
| Йиллик эксплуатация кўрсаткичлари, долл. | 115000 | 168000 | 92000 | 127000 |
| Йиллик транспорт харажатлари, долл. | 69000 | 86000 | 63000 | 74000 |
| Бир марталик харажатлар, долл. | 500000 | 700000 | 550000 | 600000 |
| Тизимнинг қоплаш муддати, йил. | 5,2 | 5,5 | 4,9 | 5,3 |

**Масала ечиш намунаси:**

Таклиф қилинаётган тизимлардан биттасини танлаш учун танлов мезонини ўрнатиш лозим. Таклиф қилинаётган тизимларни таққослаш шартлари уни ташкил қилиш ва ишлатиш билан боғлиқ харажатларни тавсифлайди. Маълумки, бу харажатлар турли хил йиллик ўлчамларга эга. Шу сабабли барча харажатларни битта йиллик харажатлар ўлчамига келтириб олишимиз керак, шундагина танлов критериясиси сифатида “келтирилган минимум харажатлар” мезони келиб чиқади.

Келтирилган харажатлар катталигини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$З_{келт} = З_{экспл} + З_{тран} + \frac{З_{бир\ март}}{Т_{қопл}}$$

бу ерда:

$З_{келт.}$– тақсимот тизимининг йиллик келтирилган харажатлари, долл./йил;

$З_{тран}$– йиллик транспорт харажатлари, долл;

$З_{экспл}$ – йиллик экспулатация харажатлар, долл./йил;

$З_{бир.март.}$ – бир марталик харажатлар, долл.;

$Т_{копл.}$ – тизимнинг қоплаш муддати, йил.

1- тизим:

$$115000 + 69000 + \frac{500000}{5.2} = 280153$$

2- тизим:

$$168000 + 86000 + \frac{700000}{5,5} = 381272$$

3- тизим:

$$92000 + 63000 + \frac{550000}{4,9} = 267244$$

4- тизим:

$$127000 + 74000 + \frac{600000}{5,3} = 314207$$

Демак, келтирилган тизимларни ичида 3-тизимни тадбиқ этишга танлаш мақсадга мувофиқдир.

**7-масала.** Юк оқимлари оғирлик маркази усулидан фойдаланган ҳолда омборхонанинг оптимал жойлашуви координаталарини аниқланг. Графигини чизинг. Дўконларнинг жойлашуви қуйидагича:

Изоҳ: дастлабки маълумтлар жадвалда *x* ва *y* ўқлари бўйича масофа келометрда ҳамда етказиб бериш ҳажми *Q* тоннада берлган.

| № дўкон | X, км | Y, км | Q, тонн |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 7 | 10 |
| 2 | 4 | 6 | 3 |
| 3 | 10 | 6 | 12 |
| 4 | 8 | 5 | 7 |
| 5 | 2 | 2 | 15 |
| 6 | 11 | 1 | 2 |

**Масаланинг ечиш намунаси:**

Х ва У ўқларини графигини чизамиз.




$$X = \frac{\sum_{i=1}^{n} Qi * Xi}{\sum_{i=1}^{n} Qi}$$

$$Y = \frac{\sum_{i=1}^{n} Qi * Yi}{\sum_{i=1}^{n} Qi}$$

$$X = 5,31$$

$$У = 4,63$$

**8-масала.** Юк оқимлари огирлик маркази усулидан фойдаланган ҳолда қурилиш моллари омборхонасининг оптимал жойлашуви координаталарини аниқланг. Графигини чизинг. Мижозларнинг жойлашуви қуйидагича:

Изоҳ: дастлабки маълумтлар жадвалда *x* ва *y* ўқлари бўйича масофа келометрда ҳамда етказиб бериш ҳажми *Q* тоннада берлган.

| № мижоз | X, км | Y, км | Q, тонн |
|---|---|---|---|
| 1 | 76 | 159 | 168 |
| 2 | 201 | 856 | 201 |
| 3 | 537 | 159 | 386 |
| 4 | 403 | 604 | 252 |
| 5 | 319 | 445 | 285 |
| 6 | 520 | 705 | 420 |
| 7 | 218 | 487 | 219 |

Юк оқимлари огирлик маркази қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$X = \frac{\sum_{i=1}^{n} Qi * Xi}{\sum_{i=1}^{n} Qi}$$

$$Y = \frac{\sum_{i=1}^{n} Qi * Yi}{\sum_{i=1}^{n} Qi}$$

$$X = \frac{76 \times 168 + 201 \times 201 + 537 \times 386 + 403 \times 252 + 319 \times 285 + 520 \times 420 + 218 \times 219}{168 + 201 + 386 + 252 + 285 + 420 + 219}$$

$$X = 372{,}38$$

$$У = 487{,}79$$

**9-масала.** 2 та мутахассис экспертларнинг 2 та таъминотчи фаолияти бўйича эксперт баҳолари натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган. Экспертлар таъминотчиларни 10 балли шкала ёрдамида баҳолашган. Маълумотлардан фойдаланиб компания қайси таъминотчини танлагани афзалигини асослаб беринг. Шартли равишда: А – таъминотчилар, Э – экспертлар.

| Мезонлар | Биринчи эксперт томонидан таъминотчиларни баҳолаш натижалари $Э_1$ | | Иккинчи эксперт томонидан таъминотчиларни баҳолаш натижалари $Э_2$ | | Экспертлар томонидан таклиф қилинган мезонларнинг муҳимлилик даражаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | I | II | III | IV | V | VI |
| | $A_1$ | $A_2$ | $A_1$ | $A_2$ | $Э_1$ | $Э_2$ |
| Нарх | 7 | 5 | 6 | 5 | 6 | 8 |
| Етказиб бериш ишончлилиги | 4 | 2 | 5 | 5 | 4 | 2 |
| Товар сифати | 4 | 6 | 5 | 7 | 5 | 7 |
| Молиявий холати | 3 | 6 | 4 | 5 | 4 | 4 |

Топиш керак:

1) Таъминотчиларнинг ўртача баҳоларини;
2) Мезоннинг ўртача муҳимлилик даражасини;
3) Салмоқлилик коэффициентини;
4.) Иккала етказиб берувчининг ўртача баллини аниқланг.

**Масаланинг ечиш намунаси:**

| Мезонлар | Таъминотчиларнинг ўртача баҳолари | | Мезоннинг ўртача муҳимлилик даражаси | Салмоқлилик коэффициенти | Таъминотчиларнинг ўртача балли | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | $A_1$ | $A_2$ | | | $A_1$ | $A_2$ |
| | $B_1=(I+III)/2$ | $B_2=(II+IV)/2$ | $M=(V+VI)/2$ | $C=M/S$ | $B_1*C$ | $B_2*C$ |
| Нарх | 6,5 | 5,0 | 7 | 0,35 | 2,275 | 1,750 |
| Етказиб бериш | 4,5 | 2,5 | 3 | 0,15 | 0,675 | 0,375 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ишончлилиги | | | | | | |
| Товар сифати | 4,5 | 6,5 | 6 | 0,30 | 0,900 | 1,300 |
| Молиявий холати | 3,5 | 5,5 | 4 | 0,20 | 1,050 | 1,650 |
| | | | S=20 | 1 | **4,900** | **5,075** |

**10 -масала.** 2 та мутахассис экспертларнинг 2 та таъминотчи фаолияти бўйича эксперт баҳолари натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган. Экспертлар таъминотчиларни 10 балли шкала ёрдамида баҳолашган. Маълумотлардан фойдаланиб компания қайси таъминотчини танлагани афзалигини асослаб беринг. Шартли равишда: А – таъминотчилар, Э – экспертлар.

| Мезонлар | Биринчи эксперт томонидан таъминотчиларни баҳолаш натижалари $Э_1$ | | Иккинчи эксперт томонидан таъминотчиларни баҳолаш натижалари $Э_2$ | | Экспертлар томонидан таклиф қилинган мезонларнинг муҳимлилик даражаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | I | II | III | IV | V | VI |
| | $A_1$ | $A_2$ | $A_1$ | $A_2$ | $Э_1$ | $Э_2$ |
| Нарх | 8 | 5 | 7 | 5 | 8 | 5 |
| Етказиб бериш ишончлилиги | 6 | 7 | 7 | 6 | 7 | 6 |
| Товар сифати | 5 | 6 | 5 | 4 | 5 | 5 |
| Молиявий холати | 6 | 8 | 6 | 9 | 6 | 8 |
| Етказиб бериш муддати | 7 | 6 | 5 | 7 | 5 | 5 |

Топиш керак:

1) Таъминотчиларнинг ўртача баҳоларини
2) Мезоннинг ўртача муҳимлилик даражасини
3) Салмоқлилик коэффициентини
4.) Иккала етказиб берувчининг ўртача баллини

**Масаланинг ечиш намунаси:**

| Мезонлар | Таъминотчиларнинг ўртача баҳолари | | Мезоннинг ўртача муҳимлилик даражаси | Салмоқ лилик коэффициенти | Таъминотчиларнинг ўртача балли | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | $A_1$ | $A_2$ | | | $A_1$ | $A_2$ |
| | $B_1$=(I+III)/2 | $B_2$=(II+IV)/2 | M=(V+VI)/2 | C=M/S | $B_1$*C | $B_2$*C |
| Нарх | 7,5 | 5,0 | 6,5 | 0,21 | 1,575 | 1,05 |
| Етказиб бериш ишончлилиги | 6,5 | 6,5 | 6,5 | 0,21 | 1,365 | 1,365 |
| Товар сифати | 5,0 | 5,0 | 5,0 | 0,17 | 0,85 | 0,85 |
| Молиявий холати | 6 | 8,5 | 7 | 0,24 | 1,44 | 2,04 |
| Етказиб бериш муддати | 6 | 6,5 | 5,0 | 0,17 | 1,02 | 1,105 |
| | | | S=30 | 1 | **6,25** | **6,41** |

**11-масала.** Товарга бўлган талаб (D) ойига 20 та бўлсин. Ҳар бир каробка (U) 50 $. Буюртмани кайта ишлаш ва етказиб бериш (P) 60 $, сақлаш

ҳаражатлари (Н) ҳар бир каробка учун 18 $.

Топиш керак:

1) Буюртманинг оптимал ҳажмини (Q)
2) Буюртма цикли давомийлиги (товарнинг сотилиш даври) (Т)
3) Умумий ҳаражатларни

**Масаланинг ечиш намунаси:**

$$Q = \sqrt{2 * \mathrm{P} * D/H}$$

$$Q = \sqrt{2 * 60 * \frac{20*12}{18}} = 40$$

T=Q/D=40/20=2-ой

Умумий ҳаражатлар=доимий хараж+узгарувчан хараж

Доимий хараж= U* D= 50*20*12=12000

Узгарувчан хар= Буюртмани кайта бериш умуий харажат ()

**12-масала.** Шартли белгиланган A1, A2 ва A3 етказувчи пунктлар омборларидан B1, B2, B3 ва B4 истеъмолчилар омборларига бир хил юк ташилиб, бунда A1 пунктдан 50т, A2 дан - 40т, A3 дан - 20т юк ташиб кетиш имконияти мавжуд бўлсин. Истеъмолчиларнин эҳтиёжлари: B1 - 30т, B2 –

| | $B_1$ | $B_2$ | $B_3$ | $B_4$ | |
|---|---|---|---|---|---|
| $A_1$ | 3 | 2 | 5 | 1 | 50 |
| $A_2$ | 4 | 3 | 2 | 2 | 40 |
| $A_3$ | 2 | 4 | 7 | 1 | 20 |
| | 30 | 25 | 35 | 20 | 110 |

25т, В3 - 35т, В4 - 20т миқдорида бўлиб, ҳар бир етказувчи пунктдан истеъмолчи омборларигача юк ташиш харажатлари бирлиги Cij (i=1,2,3; j=1,2,3,4) мезон кўрсаткич, т-км/минг сўмда ўлчансин. Ана шу дастлабки маълумотлар жадвали қуйида келтирилган.

Топиш керак: юк етказувчи пунктларнинг барча юклари шундай ташилсинки, бунда барча истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиб, натижада эришиладиган умумий транспорт харажатлари энг кам бўлиши таъминлансин.

**Масаланинг ечиш намунаси:**

Агарда Xij – мос равишда пунктлар (омборлар) ўртасида ташиладиган юк миқдори бўлса, масала ечими математик ҳолда қуйидагича ифодаланади:

$$F(X) = \sum_{i=1}^{m} \sum_{j=1}^{n} C_{ij} \cdot X_{ij} \rightarrow \min$$

- умумий транспорт харажатлари миқдори (минг сўм) – мақсад функцияси;

$$\sum_{j=1}^{n} X_{ij} = A_i \text{, барча } i = 1,2,\ldots,m \text{ пунктлар учун}$$

- барча юкларнинг тўлиқ ташилиши шарти;

$$\sum_{i=1}^{m} X_{ij} = B_j \text{, барча } j = 1,2,\ldots,n \text{ истеъмолчи пунктлар учун}$$

- мавжуд талабларнинг тўлиқ қондирилиши;

$$\sum_{i=1}^{m} A_i = \sum_{j=1}^{n} B_j$$

- юк ташиш-етказиш мувозанати, яъни масаланинг “ёпиқлик” шарти;

$$X_{ij} \geq 0 \text{, барча } i = 1,2,\ldots,m \text{ ва } j = 1,2,\ldots,m \text{ лар учун}$$

- кўрсаткичларнинг номанфийлик шарти.

**“Шимолий-ғарб бурчак” усулида аниқланган таянч ечим**

| | $B_1$ | $B_2$ | $B_3$ | $B_4$ | |
|---|---|---|---|---|---|
| $A_1$ | 3<br>30 | 2<br>20 | 5<br>0 | 1<br>0 | 50 |
| $A_2$ | 4<br>0 | 3<br>5 | 2<br>35 | 2<br>0 | 40 |
| $A_3$ | 2<br>0 | 4<br>0 | 7<br>0 | 1<br>20 | 20 |
| | 30 | 25 | 35 | 20 | 110 |

$F(X) = 3\cdot30 + 2\cdot20 + 3\cdot5 + 2\cdot35 + 6\cdot20 = 335$ (минг сўм).

**“Энг кичик қатор элементи” усулида аниқланган таянч ечим**

| | $B_1$ | $B_2$ | $B_3$ | $B_4$ | |
|---|---|---|---|---|---|
| $A_1$ | 3<br>5 | 2<br>25 | 5<br>0 | 1<br>20 | 50 |
| $A_2$ | 4<br>5 | 3<br>0 | 2<br>35 | 2<br>0 | 40 |
| $A_3$ | 2<br>20 | 4<br>0 | 7<br>0 | 1<br>0 | 20 |
| | 30 | 25 | 35 | 20 | 110 |

$F(X) = 3\cdot5 + 2\cdot25 + 1\cdot20 + 4\cdot5 + 2\cdot35 + 2\cdot20 = 215$ (минг сўм).

**Масаланинг мақбул (оптимал) ечими**

| | $B_1$ | $B_2$ | $B_3$ | $B_4$ | |
|---|---|---|---|---|---|
| $A_1$ | 3<br>10 | 2<br>25 | 5<br>0 | 1<br>15 | 50 |
| $A_2$ | 4<br>0 | 3<br>0 | 2<br>35 | 2<br>5 | 40 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| $A_3$ | 2<br>20 | 4<br>0 | 7<br>0 | 1<br>0 | 20 |
| | 30 | 25 | 35 | 20 | 110 |

$F(X) = 3 \cdot 10 + 2 \cdot 25 + 1 \cdot 15 + 2 \cdot 35 + 2 \cdot 5 + 2 \cdot 20 = 215$ (минг сўм).

**13- масала**. Шартли белгиланган $A_1$, $A_2$ ва $A_3$ етказувчи пунктлар омборларидан $B_1$, $B_2$ ва $B_3$ истеъмолчилар омборларига бир хил юк ташилиб, бунда $A_1$ пунктдан 120т, $A_2$ дан - 140т, $A_3$ дан - 220т юк ташиб кетиш имконияти мавжуд бўлсин. Истеъмолчиларнин эҳтиёжлари: $B_1$ - 220т, $B_2$ - 120т, $B_3$ - 140т миқдорида бўлиб, ҳар бир етказувчи пунктдан истеъмолчи омборларигача юк ташиш харажатлари бирлиги Cij (i=1,2,3; j=1,2,3,4) мезон кўрсаткич, т-км/минг сўмда ўлчансин. Ана шу дастлабки маълумотлар жадвали қуйида келтирилган.

Топиш керак: юк етказувчи пунктларнинг барча юклари шундай ташилсинки, бунда барча истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиб, натижада эришиладиган умумий транспорт харажатлари энг кам бўлиши таъминлансин.

| | $B_1$ | $B_2$ | $B_3$ | |
|---|---|---|---|---|
| $A_1$ | 10 | 8 | 9 | 120 |
| $A_2$ | 12 | 7 | 11 | 140 |
| $A_3$ | 9 | 11 | 8 | 220 |
| | 220 | 120 | 140 | 480 |

**Масаланинг ечиш намунаси:**

**“Шимолий-ғарб бурчак” усулида аниқланган таянч ечим**

| | $B_1$ | $B_2$ | $B_3$ | |
|---|---|---|---|---|
| $A_1$ | 10<br>120 | 8<br>0 | 9<br>0 | 120 |
| $A_2$ | 12<br>100 | 7 | 11 | 140 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 40 | 0 | |
| $A_3$ | 9<br>0 | 11<br>80 | 8<br>140 | 220 |
| | 220 | 120 | 140 | 480 |

$$F(X) = 10 \cdot 120 + 12 \cdot 100 + 7 \cdot 40 + 11 \cdot 80 + 8 \cdot 140 = 4680 \text{ (минг сўм)}.$$

**“Энг кичик қатор элементи” усулида аниқланган таянч ечим**

| | $B_1$ | $B_2$ | $B_3$ | |
|---|---|---|---|---|
| $A_1$ | 10<br>0 | 8<br>120 | 9<br>0 | 120 |
| $A_2$ | 12<br>0 | 7<br>0 | 11<br>140 | 140 |
| $A_3$ | 9<br>220 | 11<br>0 | 8 | 220 |
| | 220 | 120 | 140 | 480 |

$$F(X) = 8 \cdot 120 + 11 \cdot 140 + 9 \cdot 220 = 4480 \text{ (минг сўм)}.$$

**Масаланинг мақбул (оптимал) ечими**

| | $B_1$ | $B_2$ | $B_3$ | |
|---|---|---|---|---|
| $A_1$ | 10<br>0 | 8<br>0 | 9<br>120 | 120 |
| $A_2$ | 12<br>0 | 7<br>120 | 11<br>20 | 140 |
| $A_3$ | 9<br>220 | 11<br>0 | 8<br>0 | 220 |
| | 220 | 120 | 140 | 480 |

$$F(X) = 9 \cdot 220 + 7 \cdot 120 + 11 \cdot 20 + 9 \cdot 120 = 4120 \text{ (минг сўм)}.$$

**14- масала.** Ҳаракатланиш вақтига кўра товар етказиш логистик тизимини танлаш.

Масала шарти

1. Товарга талаб ҳажми етарлича бир маромли ва доимий характерга эга.
2. Сотув ҳажми: (шартли бирликларда):
- 40 млн. ш.б., ёки йилига 80 минг товар бирлиги;
- 30 млн. ш.б., ёки йилига 60 минг товар бирлиги;
- 25 млн. ш.б., ёки йилига 50 минг товар бирлиги;
- 12,5 млн. ш.б., ёки йилига 25 минг товар бирлиги.

Товарларни сотиш кунора бир хилда амалга оширилади.

3.Товарларни ташишнинг муқобил схемалари:

а) транспортировка самолёт билан, кичик контейнерларда, чакана савдо жойигача;

б) транспортировка автомобил транспортида кичик контейнерларда, чакана савдо жойигача;

в) транспортировка автомобил транспортида катта контейнерларда чакана савдо жойигача;

г) транспортировка темир йўл транспортида катта контейнерларда

4. Самолётда транспортировкалаш вақти харажатлари:
- буюртмани ишлаш вақти – 5 кун;
- йўлдаги вакт – 1 кун;
- чакана савдо жойида бўлиш вақти – 2 кун.
5. Автомобил транспортида кичик контейнерларда транспортировкалаш вақти харажатлари :
- буюртмани ишлаш вақти – 5 кун;
- йўлдаги вақт – 2 кун;
- чакана савдо жойида бўлиш вақти – 2 кун.
6. Автомобил транспортида катта контейнерларда транспортировка-лаш вақти харажатлари :
- буюртмани ишлаш вақти – 5 кун;
- йўлдаги вакт – 2 кун;
- чакана савдо жойида бўлиш вақти – 8 кун.
7. Темир йўл транспортида катта контейнерларда омборга ва кейин кичик партияларда ташиш вакти харажатлари
- буюртмани ишлаш вақти – 5 кун;
- йўлдаги вакт – 4 кун;
- омборда бўлиш вақти – 10 кун;
- чакана савдо жойида бўлиш вақти – 5 кун.
8. Ҳажмий транспорт харажатлари:

а) сотув хажми 40 млн. ш.б., ёки йилига 80 минг товар бирлиги бўлганда;

-самолётда транспортировкаланганда – 3,33 ш.б.;
- автомобилда кичик контейнерларда транспортировкаланганда – 2,70 ш.б.;
- автомобилда катта контейнерларда транспортировкаланганда – 1,58 ш.б.;
- темир йўл транспортида транспортировкаланганда – 0,19 ш.б.
б) ) сотув ҳажми 30 млн. ш.б., ёки йилига 60 минг товар бирлиги бўлганда;
-самолётда транспортировкаланганда – 4,10 ш.б.;
- автомобилда кичик контейнерларда транспортировкаланганда –3,31 ш.б.;
- автомобилда катта контейнерларда транспортировкаланганда – 2,34 ш.б.;
- темир йўл транспортида транспортировкаланганда – 1,14 ш.б.
в) сотув хажми 25 млн. ш.б., ёки йилига 50 минг товар бирлиги бўлганда;
-самолётда транспортировкаланганда – 4,54 ш.б.;
- автомобилда кичик контейнерларда транспортировкаланганда – 3,65 ш.б.;
- автомобилда катта контейнерларда транспортировкаланганда – 2,83 ш.б.;
- темир йўл транспортида транспортировкаланганда – 1,74 ш.б.
г) сотув ҳажми 12,5 млн. ш.б., ёки йилига 25 минг товар бирлиги бўлганда;
-самолётда транспортировкаланганда – 5,65 ш.б.;
- автомобилда кичик контейнерларда транспортировкаланганда – 5,37 ш.б.;
- автомобилда катта контейнерларда транспортировкаланганда – 5,13 ш.б.;
- темир йўл транспортида транспортировкаланганда – 4,09 ш.б.
9. Захиралар қийматининг фоиз ставкаси йиллик 10% га тенг.
1 бирлик маҳсулотнинг қиймати 500 ш.б. ни ташкил этади.
1) ҳар бир сотув ҳажми ва хар бир ташиш схемаси учун рейслар сони ёки йиллик айланишни;
2) товар захиралари ҳажмини, ёки рейс учун ташишнинг ўртача ўлчамини (иқтисодиёт нуқтаи назаридан йўлда ҳаракатланаётган товарлар захира кўринишига эга ҳисобланади);
3) ҳар бир сотув хажми учун хар бир транспорт рейси учун ташишга харажатларни;
4) товар захираларига харажатларни ҳисобга олган ҳолда, товарларни ташишда ҳар бир муқобил ташиш схемаси учун рейсдаги
умумий харажатларни;

4) ҳар бир сотув хажми учун товарларни етказишнинг рационал схемасини аниқланг.

**Масаланинг ечиш намунаси:**

1. йиллик айланиш ёки рейслар сони N йилдаги 365 кундан ва товарлар оборотининг умумий вақти Σt дан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

$$N = \frac{365}{\sum 7}$$

Бунда айланишнинг умумий вақти сотувчи ва харидордаги буюртмаларни ишлаш вақти суммаси сифатида, шаҳарлараро ташишдаги транспортировка вақти, товарларнинг омборда бўлиши вақти (маҳаллий ташишларда ташиш вақти ҳам ҳисобга олинади) ва товарнинг чакана сотиш жойида бўлиш вақти аниқланади.

Ҳар бир муқобил ташиш схемаси учун рейслар сони ёки йиллик айланма

| Ташишнинг муқобил схемаси | Буюртмани ишлаш вақти, кун | Товарни транспорти ровкалаш - вақти, кун | Товарнинг омборда бўлиш вақти, кун | Товарнинг чакана сотиш жойида бўлиш вақти, кун | Айланиш умумий вақти кун, | Йиллик айланма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| а | | | | | | |
| б | | | | | | |
| в | | | | | | |
| г | | | | | | |

2. Товар захиралари ҳажми, ёки рейсдаги ташишнинг ўртача ўлчами, $V_{тз}$ хар бир товарларни ташиш муқобил варианти учун куйидаги формула бўйича аниқланади

$$V_{тз} = \frac{V_п}{N}$$

бу ерда: $V_п$ – сотув хажми, млн. ш.б., ёки товар бирлиги.

Товар захиралари ҳажми, ёки рейсдаги ташишнинг ўртача ўлчами

| Сотув ҳажми, ҳажми, млн.ш.б. | Ҳар бир товарларни ташиш муқобил схемасидаги товар захиралари ҳажми, ёки рейсдаги ташишнинг ўртача ўлчами, минг. ш.б. | | | |
|---|---|---|---|---|
| | а | б | в | г |
| 40 | | | | |
| 30 | | | | |
| 25 | | | | |
| 12.5 | | | | |

3. Рейсдаги ташиш харажатлари S ҳар бир транспорт турида, ҳар бир сотув ҳажми учун қуйидаги тартибда аниқланади

$$S = \frac{S_{уд} \times V_{п}}{N}$$

бу ерда Sуд – ҳажмий транспорт харажатлари, ш.б.

Ҳар бир транспорт турида рейсдаги ташиш харажатлари

| Сотиш ҳажми, минг товар бирлиги | Товарларни ташиш муқобил схемасида рейсдаги ташиш харажатлари, минг. ш.б. | | | |
|---|---|---|---|---|
| | а | б | в | г |
| 80 | | | | |
| 60 | | | | |
| 50 | | | | |
| 25 | | | | |

4. Товар ташиш муқобил схемасидаги рейсдаги ташиш харажатларига товар захираларига харажатлар ва ташишга харажатлари киради.
Товар захираларига харажатлар $S_{зах.}$ транспортировкалаш вақтига $t_{тр}$ ва товарнинг омборда бўлиш вақтига $t_{омбор}$ боғлиқ.

$$S_{зах} = V_{тз} p \frac{t_{тп} + t_{омбор}}{365}$$

Бу ерда: р – захиралар қийматига фоиз ставкаси, %

Ҳар бир транспорт турида рейсдаги товар захираларига харажатлар

| Сотув ҳажми, ҳажми, млн.ш.б. | Товар ташиш муқобил схемасида рейсдаги товар захираларига харажатлар, минг. ш.б. | | | |
|---|---|---|---|---|
| | а | б | в | г |
| 40 | | | | |
| 30 | | | | |
| 25 | | | | |
| 12.5 | | | | |

Товарларни ташишда ташишнинг муқобил схемасида рейсдаги умумий харажатлар

| Сотув ҳажми, млн.ш.б. | Товар ташишда ташишнинг муқобил схемасида рейсдаги умумий харажатлар, минг.ш.б. | | | |
|---|---|---|---|---|
| | а | б | в | г |
| 40 | | | | |
| 30 | | | | |
| 25 | | | | |
| 12.5 | | | | |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш” кафедраси**

# “ЛОГИСТИКА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” фанидан ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Логистика инфратузилмаси объектларига логистик марказлар киради ва улар нечта гурухга бўлинади?**

а) мултимодал, маҳаллий, халқаро
б) халқаро, маҳаллий, ҳудудий
в) ҳудудий, маҳаллий

**2. Туркманистоннинг қайси ҳудудида логистик марказлар ташкил этилган?**
а) Попта
б) Астана
в) Ашхобод

**3. Логистика инфратузилмаси ўз ичига қандай элементларни олади? 1)корхоналар 2)транспорт 3)халқаро 4)омборхона 5)коммуникация 6)хизмат кўрсатиш 7)махаллий**
а) 2, 4, 5, 6
б) 1, 2, 5, 7
в) 4, 5, 6, 7

**4. ЛПИ позицияси бўйича илғор мамлакатлар тўғри берилган қаторни аниқланг.**
а) Германия, Швеция, Сингапур, Буюк Британия, АҚШ, Канада
б) АҚШ, Қозоғистон, Нью-Ёрк, Сингапур, Швеция
в) барча жавоб тўғри

**5.Навоий Х.Л.М.ида 1 суткада неча тоннадан ортиқ ҳаво юк ташиш хизмати амалга оширилади?**
а) 100 тонна
б) 200 тонна
в) 300 тонна

**6. Юк ташиш хизматида хавфли юкларга нималар киради?**
а) озиқ-овқатлар, кимёвий моддалар
б) кимёвий моддалар, салютлар, гугуртлар
в) олтин, платина

**7. Навоий аэропортида хизмат кўрсатаётган йўналишлар тўғри берилган қаторни топинг.**
а) Сеул, Брусел, Милан, Вена
б) Франфут, Дубай, Деҳли, Бамбей
в) барча жавоблар тўғри

**8. Германиянинг ҳудудий аэропортлари тўғри берилган қаторни топинг.**

а) Аахен, Элуз, Мъюнстер
б) Эссен, Икун
в) Буфуд, Эссен, Аахен

**9. Сув транспортининг камчилиги.....**
а) тезлик пастлиги, жўнатиш частотаси пастлиги, орол ишига қаттиқ талаб
б) таннархнинг пастлиги, алоҳида раёнларга етказилиши
в) тўғри жавоб йўқ

**10. Ўзавтотранспорт Давлат Ҳиссадорлик компанияси нечанчи йилда ташкил топган?**
а) 1991-йилда
б) 1992-йилда
в) 1993-йилда

**11. Сув транспорти нечага бўлинади?**
а) 4 га
б) 5 га
в) 2 га

**12. .............. – бир нечта транспорт туридан фойдаланиб юкларни ташиш.**
а) Транспорт тизими
б) Мултимодал
в) Халқаро транспорт

**13. Омборхоналар неча турга бўлинади?**
а) очиқ – ёпиқ
б) ярим очиқ – усти очилган
в) очиқ – ёпиқ – ярим очиқ

**14. Логистик марказларни яратишдаги асосий қийинчилик бу - .....?**
а) малакали кадрларнинг етишмагани
б) хомашёнинг камлиги
в) географик жойлашувнинг йўқлиги

**15. WMS – бу нима?**
а) омборхонага кириш коди
б) омборхона хизматчилари тизими
в) омборхонани бошқариш менеджмент тизими

**16. 1904 – йилда кимнинг таклифи бўйича фалсафа конгресси логистикани мантиқ сифатида белгилаган?**
а) Павеллен, Лейбниц
б) Антуау – Анри Жомин

в) Ителсон, Лаланд, Кутъюн

**17. Нечинчи асрда логистика фанига харид қилиш, ишдаб чиқариш, сотиш, транспорт логистикасини олувчи фанга айланди?**
а) XIX – аср бошида
б) XX – аср охирида
в) XIX – аср ўрталарида

**18. Логистика сўзи қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?**
а) инглиз, энг кам харажат тўғрисидаги фан
б) лотин, етказиб бериш тўғрисидаги фан
в) грек, ҳисоблаш тўғрисидаги фан

**19. Логистика консепциясининг қайси категорияларида реклама қиладиган, маҳсулотни сотадиган, транспортировка хизмат кўрсатадиган ташкилотлар ҳисобланади?**
а) етказиб бериш категорияси
б) материал ва маҳсулотлар оқимини бошқариш
в) тақсимлаш категорияси

**20. Логистика тизимининг ҳар бир мустақил функционал қисмларига тегишли бўлган маҳаллий масалаларни ҳал қилувчи категория қайси?**
а) макрологистик категория
б) микрологистик категория
в) тақсимлаш категорияси

**21. Логистика тизимида нечта асосий нарх белгилаш тавсия этилади?**
а) 5 хил
б) 2 хил
в) 3 хил

**22. Сотувчи бирор жойда маҳсулотни сотиб олувчиларга топширса қандай нарх белгиланади?**
а) элтиб бериш нархи
б) франко нархи
в) чегараланмаган нарх

**23. Логистика тизими стратегиясини ишлаб чиқиш неча хил усулда амалга оширилади?**
а) 2 хил
б) 3 хил
в) 4 хил

**24. Автомобил транспортида маҳсулотларни етказиб беришнинг қайси усулида асосан 2 та юк ташиш пунктини ўзаро боғловчи ва жараённи**

**такрорловчи ҳисобланади?**
а) халқа усулида
б) маятник усулида
в) такрорий усулда

**25. Ўзаро бир ёки ундан ортиқ белги бўйича бир-бири билан бўлган товар гурухини топинг.**
а) товар номенклатураси
б) номенклатура кетма-кетлиги
в) товар ассортименти

**26. Логистиканинг қайси турдаги тамойили уэоқ муддатга мўлжалланган ва хизмат кўрсаткичларининг юқори сифатини таъминловчи бир неча ишончли етказиб берувчиларни кўзда тутади?**
а) етказиб бериш тамойили
б) тақсимлаш тамойили
в) аниқ муддат тамойили

**27. Маъмурий бошқариш даражасида яратилувчи ва стратегик ҳарактерли узоқ муддатли ечимларини қабул қилиш учун хизмат қилувчи ахборот тизими турини аниқланг.**
а) диспозицион
б) тезкор
в) режали

**28. Логистик мезонлардан қай бири рақобатчиларнинг ўхшаш кўрсаткичларига қиёсланган ҳолда ишлаб чиқариш мазмунидаги кўрсатиладиган хизматлар тури ва мумкин бўлган таъминлаш ҳажмини ифодалайди?**
а) етказиб бериш номенклатураси
б) номенклатура ва миқдор
в) номенклатура ва тақсимлаш

**29. Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш сервисининг бажаришни рад этмасликнинг баҳосини бериш имконини берадиган меъзон.**
а) вақт
б) сервис хизматини кўрсатиш ишочлилиги
в) номенклатура ва сифат

**30. Логистика нима?**

а) юк ташиш маҳорати.

б) моддий оқимларни бошқариш маҳорати.

с) ишбилармонлик фаолияти.

д) барча жавоблар тўғри.

е) харажатларни ҳисоб-китоби.

**31.Логистик структурага қандай функционал муҳитлар киради?**

а) захира ва маҳсулотларни ташиш.

б) омборхонага жойлаштириш ва жойлаштириш тизимини ишлаб чиқиш.

с) ахборот, кадрлар, ишлаб чиқаришни таьминлаш.

д) ҳамма жавоблар тўғри.

е) а ва с.

**32.Логистика тизимининг концепсияси ва принципи нимада аниқланади?**

а) материалларни бошқаришда.

б) тақсимлашни бошқаришда.

с) ишбилармонлик вазифаларида.

д) ҳамма жавоблар тўғри.

е) **а ва б.**

**33.Логистикани бошқаришнинг асосий вазифаси нимадан иборат?**

**а) материалларни бошқариш ва тақсимлаш жараёнида вазифани ва стратегияни ишлаб чиқиш механизмлари билан таьминлаш.**

б) истеьмолчиларга транспорт хизмат кўрсатишни ишлаб чиқиш.

с) захираларни бошқариш.

д) ҳамма жавоблар тўғри.

е) б ва с.

**34.Логистик тизимда захиралар нимага хизмат қилади?**

**а) транспорт, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш орасида алоқа қилиш сифатида.**

б) материаллар ҳаракати билан боғлиқ.

с) маҳсулот ишлаб чиқаришга.

д) ҳамма жавоблар тўғри.

е) а ва с.

**35.Маҳсулот етказиб беришни ташкил қилишда логистик тизим қандай асосий муаммони ечади?**

а) транспортдан самарали фойдаланиш.

б) **истеьмолчиларга хизмат қилиш графигини тузиш.**

с) контейнер ва поддонларни ишлатиш.

д) ҳамма жавоблар тўғри.

e) а ва б.

**36.Логистик тизимга қандай омиллар таьсир кўрсатади?**

а) илмий техник ривожланиш.

б) транспортдаги структуравий ўзгаришлар.

с) ёкилғи нархи ва бошқа моддий ресурслар.

д) ҳамма жавоблар тўғри.

е) а ва б.

**37.Логистика тизимини таҳлил қилиш учун қандай кўрсаткич асосий бўлади?**

а) чекланган ушлаб қолишлар.

б) умумий ушлаб қолишлар.

с) доимий ушлаб қолишлар.

д) ўзгарувчан ушлаб қолишлар.

е) ҳамма жавоблар тўғри.

**38.Логистика қандай тизимлар билан ўз таьсирини кўрсатади?**

а) маркетинг.

б) ишлаб чиқариш.

с) нарх-наво.

д) ҳамма жавоблар тўгри.

е) а ва б.

**39.Логистиканинг ташкилий структураси қандай вазифаларни бажаради?**

а) тизимни шаклланиши ва ривожланишини.

б) фирманинг бозор сиёсати билан боғланган логистика стратегиясини шаклланишини.

с) тизимли бошқарувини.

д) бошқарув функциялари билан ўзаро боғланган мувофиклаштиришни.

е) ҳамма жавоблар тўғри.

**40. Тизимнинғ шаклланиши ва ривожланиши учун корхонада мавжуд бўлган логистика тизими вақти-вақти билан каттадан кўриб чиқади. Бу зарурият нима билан боғлиқ бўлади?**

а) логистика технологияси ишлаб чиқариши ўзгариши сиёсатнинг ташкилий олиб борилиши, бозор шароитлари.

б) корхонанинг ишлаб чиқариш зарурияти билан.

с) бошқа корхоналарнинг илмий техник тараққиёти билан.

д) а ваб.

е) ҳамма жавоблар тўғри.

**41. Логистикани тизимли бошқарилуви нима?**

а) транспорт, назорат ва ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш.

б) ахборот оқимларини бошқариш.

с) захиралар назорати ва омборда олиб борилувчи жараёнлар.

д) ҳамма жавоблар тўғри.

е) а ва б.

**42. Логистика стратегияси шаклланишида нима ҳисобга олиниши зарур?**

а) сотув ва инвестиция соҳасида фирма сиёсати.

б) ходимлар ва технологиялар сиёсати.

с) транспорт ва тақсимот сиёсати.

д) а ва б.

е) ҳамма жавоблар тўғри.

**43.Маҳсулотни тақсимлашнинг қандай асосий каналлари мавжуд?**

а) кўтара далоллар, хўжалик компанияларининг маҳсулотларини тақсимлаш.

б) агентлар, брокерлар ва бошқа даллолар.

с) а ва б.

д) хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш.

е) ҳамма жавоблар тўғри.

**44.Истеьмолчига жўнатишнинг қандай асосий йўллари мавжуд?**

а) завод захираларидан тўғридан - тўғри жўнатиш.

б) ишлаб чиқариш линияларидан жўнатиш.

с) омборхона тизимлари орқали жўнатиш.

д) ҳамма жавоблар тўғри.

е) а ва б.

**45. Физик тақсимлаш нима?**

а) маҳсулотни сотувчидан истеьмолчига етказиш.

б) ҳар-хил маҳсулотларни тақсимлаш.

с) маҳсулот сақлаш учун кўрсатиладиган хизматлар.

д) ҳамма жавоблар тўғри.

е) а ва б.

**46.Логистика ахборот тизими қандай ахборотлар билан таьминлаши керак?**

а) корхона зарур стратегия ишлаб чиқариши ва логистика тизимини ҳаракатга келтириши учун ахборот материал оқимлари ҳаракатини ҳамма ютуғи ва камчиликларини акс эттириши керак.

б) ахборот маҳсулотни етказувчидан истеьмолчигача ҳаракатига бўлган харажатларни акс эттиради.

с) а ва б жавоблар тўғри.

д) барча жавоблар тўгри.

е) логистика тизимини ҳаракатга келтириши учун ахборот материал оқимлари ҳаракатига бўлган харажатларни акс эттиради.

**47. Ахборот тизимини тузишнинг асосий тамойиллари нима?**

а) ахборот умумлаштиришнинг энг пастки поғонасида йиғилади.

б) ахборот сифатли таққосланиш даражасида бўлиши керак..

с) йиғилган ахборот мажмуидан иборат.

д) а ва б жавоблар тўгри.

е) барча жавоблар тўғри.

**48. Белгиланган хажмдагн буюртма тизимида қандай регулировка параметрлари бор?**

а) буюртма нуқтаси (захиранинг белгиланган даражаси

б) буюртма ҳажми (етказиш партияси катталиги)

с) етказиш ҳажмининг максимуми

д) а ва б жавоб тўғри

е) барча жавоблар тўғри.

**49. Буюртманинг белгиланган даврийлиги тизими қандай тартибга солувчи параметрга эга?**

а) захираларни энг юқори поғонагача тўлдириш ва уларнинг кайтарилишининг даврийлиги

б) буюртма нуқтаси

с) барча жавоблар тўғри

д) а ва б

е) буюртма ҳажми

**50. Транспортнинг моддий–техник базаси ўзга қандай хусусиятларни киритади?**

а) транспорт харажатлари

б) йўл ва йўл хўжалиги

с) техник иншоотлар ва қурилмалари

д) барча жавоблар тўғри

е) а ва б.

**51. Бир йўналиш вақти қандай қисмлардан иборат?**

а) юк ортиш вақти

б) юк тушириш вақти

с) юк билан ҳаракатланиш вақти

д) юксиз ҳаракатланиш вақти

е) барча жавоблар тўғри.

**52. +айси жавобда статистик юк кўтариш коэффициенти тўгри кўрсатилган. Ҳақиқий ташилган юкни хажми 4т, ташиш мумкин бўлган ҳажми 5т.**

а) 0,7

б) 0,5

с) 0,8

д) 0,9

е) 1,0.

**53. Босиб ўтган йўлдан фойдаланиш коэффициенти қайси жавобда тўғри кўрсатилган? Тўла юкланган йўл 50 км, умумий босиб ўтилган масофа – 100 км.**

а) 0,48

б) 0,52

с) 0,50

д) 0,64

е) 0,8.

**54. Агар 1та катнов вақти 2 соат бўлса, автомобиль 8 соат ичида канча катнов бажариши мумкин?**

а) 4

б) 6

с) 8

д) 5

е) 16.

**55. Агар автомобил юк кўтариш коэффициенти 1,0 автомобиль юк кўтариш қобилияти 5т, автомобиль бажарадиган катновлар сони-6 бўлса, автомобилнинг самарадорлиги қандай?**

а) 20т

б) 40т

с) 30т

д) 50т

е) 25т.

**56.Юк ташишни маршрутлаштириш нима?**
а) автомобилда ташиш

б) кўтара савдо қилувчи корхоиалардан юкларни моддий оқимини ташкил этишни янада мукаммалашган усули.

с) ҳаракатланувчи кисмни янада яхши ишлатиш

д) а ва с.

е) барча жавоблар тўғри.

**57.Маҳсулотни истеьмолчига етказишнинг келишилган графиги нима?**
а) транспорт жараёнини ташкил этишнинг рационал режаси

б) маҳсулотни истеьмолчига етказиш

с) ҳаракатланувчи составни самарали ишлатилиши

д) а ва б.

е) барча жавоблар тўғри.

**58.Ҳаракатланувчи транспортни танлашнинг қандай критерийлари бор?**

а) самарадорлик

б) пробегдан фойдаланиш коэффициенти.

с) юк кўтариш коэффициентидан фойдаланиш

д) в ва с.

е) барча жавоблар тўғри.

**59.Кафолат захираси нима?**

а) ишлаб чиқариш жараёнини материал ресурсларини қолдирувчи захира

б) ҳақиқий талабни кутилаётганидан чекланишини тенглаштирувчи захира

с) моддий ресурсларни ҳаракати билан боглик, захира

д) а ва в

е) барча жавоблар тўгри

**60.Тайёр маҳсулот захираси қандай мақсадга хизмат қилади?**

а) маҳсулот ишлаб чиқаришини оптимал микдорлар билан таьминлаш

б) фирмада маҳсулот чиқариш учун

с) тайёр маҳсулотни омборхонада сақлаш учун

д) а ва с

е) барча жавоблар тўгри

**61.Қандай чегирмалар захираларни оптималлаштириш критериялари бўлади?**

а) маҳсулот сотиб олиши бўйича

б) захиралар мазмуни бўйича

с) маҳсулот йўқлигидан вужудга келган харажатлар

д) а ваб

е) барча жавоблар тўгри

**62.Махсулот харидига қандай чегирмалар киради?**

а) буюртма расмийлаштириш бўйича

б) етказиб бериш ҳақида расмийлаштириладиган шартнома (етказувчиларнинг коммуникацияси)

с) транспорт

д) омборхонага жойлаштириш ва буюртма қабул қилиш

е) барча жавоблар тўгри

**63.Захирани сақлашга қандай чегирмалар киради?**

а) омборхонада сақлашга кетадиган харажатлар

б) омборхонани қараб туришга кетадиган харажатлар

с) транспортда ташишга кетадиган харажатлар

д) капитал хараждлар

е) барча жавоблар тўғри

**64.Белгилаб олинган ҳажмдаги буюртма тизимини таьрифи қайси жавобда тўғри?**
а) захираларни тўлдириб туриш ўзгармас катталик бўлиб, навбатдаги товар етказилиши захираларни энг кам миқдори (буюртма нуқтаси)гача тушганда бажарилади

б) захираларни тўлдириш маьлум олдиндан белгиланган партиялар билан бажарилади

с) маҳсулот ишлаб чиқаришини оптимал размер партиялари билан таьминлаш

д) тўғри жавоб йўқ

е) барча жавоблар тўғри

**65.Қайси жавобда йиллик буюртма бажарилиши харажатини тўғри кўрсатилган?**
а) Coxq/S

б) CoxS/q

с) CoxS/ixq

д) Co/qxS

е) Sxq/Co

**66.Қайси жавобда товар сақланишиниинг йиллий чегирмаси тўғри тасвирланган?**
а) Сиxixq/2

б) СиxCo/S

с) Coxq/i

д) S/Coxq

е) CoxСи/S

**67.Қайси жавобда етказишнинг оптимал ҳажмдаги партиясининг таьрифи тўғри тасвирланган?**
а) 2qxSo/i,

b) √2CoxS/1

с) √2CoxСи/S

**68.Қайси жавоб олдиндан белгиланган ҳажмдаги буюртма моделининг буюртма нуқтасини тўғри кўрсатади?**
a) PкB+L
b) PкB+Sd
c) PкB+SdxL
d) PкB+Sd
e) PкB/L

**69.Қайси жавоб белгиланган ҳажмдаги буюртма моделининг захира ўртача уровнясини тўғри кўрсатади?**
а) УқB+Q/2

b) BқJ+Q2/2

c) QқJ+B

d) УқB/Q+2

e) QқJ/B

**70 Немис тадқиқотчиси Г.Павеллак таъкидлашича, Византия империясида логистиканинг вазифаси ...**

А. “армияга маош тўлаш, уни керакли тартибда қуроллантириш ва тақсимлаш, унинг эҳтиёжлари ҳақида ўз вақтида ва тўлиқ даражада ғамхўрлик қилиш, яъни шахсий қуролли кучлар ҳаракатланиши ва тақсимланишига раҳбарлик қилишдан” иборат бўлган.

Б. “армияга маош тўлаш, уни керакли тартибда қуроллантириш ва тақсимлаш, унинг эҳтиёжлари ҳақида ўз вақтида ва тўлиқ даражада гамхўрлик қилиш, яъни шахсий қуролли кучлар ҳаракатланиши ва тақсимланишини кузатиб туришдан” иборат бўлган.

В. “армияга маош тўлаш, уни керакли тартибда қуроллантириш ва тақсимлаш, унинг эҳтиёжлари ҳақида ўз вақтида ва тўлиқ даражада ғамхўрлик қилиш, яъни шахсий қуролли кучлар харакатланишини назорат қилишдан” иборат бўлган.

Г. “армияга маош тўлаш, уни керакли тартибда қуроллантириш ва тақсимлаш, унинг эҳтиёжлари ҳақида ўз вақтида ва тўлиқ даражада ғамхўрлик қилиш, яъни шахсий қуролли кучлар ҳаракатланиши ва тақсимланишини ташкил қилишдан” иборат бўлган.

**71. Транспортнинг иккинчи функцияси ҳисобланувчи *юкни сақлаш* қандай ҳолатларда кузатилади?**

А. омборхоналар етишмаслиги ҳолатларида

Б. қайта ортиш-тушириш операцияларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда

В. юк ҳаракати йўналишлари ўзгараётган ҳолатларда

Г. Барча жавоблар тўғри

**72. Қандай ҳолатларда транспортда юкни сақлаш ўзини оқлайди?**

А. Юкни сақлашнинг бошқа йўли бўлмаган ҳолатларда бу ўзини оқлайди

Б. юкни етказиб бериш муддатлари узайтирилиши лозим бўлган ҳолатларда бу ўзини оқлайди

В. А ва Б жавоблар тўгри

Г. Тўғри жавоб йўқ

**73. Қайси транспорт тури юкларни қисқа масофаларда ташишда жуда самарали ҳисобланади?**

А. Темир йўл транспорти

Б. Автомобил транспорти

В. Қувур транспорти

Г. Сув транспорти

**74. Қайси транспорт турида юқори қийматга эга бўлган товарларни узоқ масофага ташишда харажатлар оқланади?**

А. Темир йўл транспорти

Б. Автомобил транспорти

В. Қувур транспорти

Г. Ҳаво транспорти

**75. Ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ассортименти ортиб борса нима бўлади?**

А. оқимлар жараёнини бошқариш оғирлашади
Б. оқимлар жараёнини бошқариш енгиллашади
В. оқимлар жараёнини бошқаришда ўзгариш сезилмайди
Г. Тўғри жавоб йўқ

**76. Маркетинг логистикага нималарда ёрдам беради?**

А. хизмат кўрсатиш соҳаларини аниқлаб олишда, истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари таркиби ва ўзгаришини билиб олишда ёрдам беради
Б. талаб коньюнктураси ривожланишини олдиндан аниқлашда ёрдам беради
В. А ва Б жавоб тўғри
Г. Тўғри жавоб йўқ

**77. Сотишни рағбатлантиришнинг энг кенг тарқалган йўллари қайси жавобда тўгри келтирилган?**

А. товарни етказиб бериш шартларини ўзгартириш
Б. товарни етказиб бериш тарифларини ўзгартириш
В. Товарни етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни ўзгартириш
Г. А ва Б жавоблар тўғри

**78. Бошқарув тизимининг вазифаси ...**

А. яратувчиликнинг унумдорлиги, самарадорлиги, доимий ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлигини таъминлашдан иборат
Б. яратувчиликнинг унумдорлиги, самарадорлиги, доимийлиги ва мослашувчанлигини таъминлашдан иборат
В. яратувчиликнинг унумдорлиги, самарадорлиги ва доимий ўзгарувчанлигини таъминлашдан иборат
Г. яратувчиликнинг самарадорлиги, доимий ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлигини таъминлашдан иборат

**79. Бизнесни ташкил этишнинг ўта муҳим нечта соҳаси мавжуд?**

А. ишлаб чиқариш
Б. маркетинг
В. логистика
Г. Барча жавоблар тўғри

**80. Кишиларга таъсир этишнинг воситалари қайси жавобда тўғри келтирилган?**

А. иерархия
Б. маданият
В. бозор
Г. Барча жавоблар тўғри

**81. Буюк немис математиги В.Г.Лейбниц «логистика» атамасидан қандай маънода фойдаланган?**

А. “хулосаларни ҳисоблаш” ёки “математик мантиқ” маъносида фойдаланган
Б. “хулосаларни аниқлаш” ёки “математик мантиқ” маъносида фойдаланган
В. “хулосаларни келтириш” ёки “математик мантиқ” маъносида фойдаланган

Г. “хулосаларни асослаш” ёки “математик мантиқ” маъносида фойдаланган

**82. Базн олимлар логистика ривожланишининг нечта даврини ажратадилар?**

А. Учта

Б. Тўртта

В. Бешта

Г. тўғри жавоб йўқ

**83. Харид логистикасининг олдида турган вазифалар гуруҳи қуйидаги жавоблардан қайси бирида тўғри келтирилган?**

А. хомашё ва бутловчи материалларни маълум бир муддатда етказиш,

Б. материалларнинг талаб қилинган миқдори билан етказиб берилган миқдорининг ўзаро мос келиши

В. хомашё ҳамда бутловчи материалларига бўлган талаб сифатини назорат қилиш

Г. барча жавоблар тўғри

**84. Етказиб берувчилар (таъминотчилар) билан муомала қилишнинг шартлари қайси жавобда тўғри келтирилган?**

А. келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашишга тайёр бўлиш керак

Б. фаолият доирасида барқарор мулоқотни таъминлаш зарур

В. қизиқишлар умумийлигини намойиш этишни ёддан чиқармаслик лозим

Г. барча жавоблар тўғри

**85. Харид (таъминот) логистикаси ...**

А. логистика тизимининг биринчи элементи бўлган материал ва ёрдамчи қисмларни харид бозоридан корхона омборигача ҳаракат қилиш жараёнини акс эттиради.

Б. логистика тизимининг биринчи элементи бўлган хомашё, материал, заҳиралар ва ёрдамчи қисмларни харид бозоридан корхона омборигача ҳаракат қилиш жараёнини акс эттиради

В. логистика тизимининг биринчи элементи бўлган хомашё, материал ва ёрдамчи қисмларни харид бозоридан корхона омборигача ҳаракат қилиш жараёнини акс эттиради

Г. тўғри жавоб йўқ

**86. Харид логистикаси ҳал қилувчи таъминот вазифалари қайси жавобда тўғри келтирилган?**

А. товарларни суғурта қилиш

Б. истеъмолни аниқлаш ва таҳлил қилиш, буюртма берилган материаллар миқдорини ҳисоблаш

В. етказиб бериш муддати, сифати ва миқдори устидан назорат ўрнатиш

Г. Б ва В жавоблар тўғри

**87. Моддий ресурслар омборидан тайёр маҳсулотлар омборигача йўналишдаги моддий ва ахборот оқимларини бошқариш ...**

А. таъминот логистикаси деб аталади

Б. ишлаб чиқариш логистикаси деб аталади

В. тақсимот логистикаси деб аталади

Г. транспорт логистикаси деб аталади

**88. Мақсадли моҳиятига кўра ишлаб чиқариш жараёиларини қандай жараёнларга бўлиш мумкин?**

А. асосий

Б. ёрдамчи

В. хизмат кўрсатувчи

Г. барча жавоблар тўғри

**89. Қуйидаги жараёилардан қайси бири ўз меҳнат предметига эга?**

А. асосий ишлаб чиқариш жараёнлари

Б. ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари

В. А ва Б жавоблар тўғри

Г. хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш жараёнлари

**90. Қуйида келтирилган сўз бирикмаларидан қайси бири ишлаб чиқаришни анъанавий бошқариш концепциясига тегишли эмас?**

А. ортиқча вақтдан воз кечиш

Б. консервативлик ботқоғи

В. маънавий эскириш

Г. А ва Б жавоблар тўғри

**91. Харидорлар буюртмаси бўлмаган маҳсулотни ишлаб чиқаришдан воз кечиш талаби қайси концепцияга мос келмайди?**

А. Ишлаб чиқаришни анъанавий бошқариш концепциясига

Б. Ишлаб чиқаришни логистик бошқариш концепциясига

В. ҳар иккаласига

Г. тўғри жавоб йўқ

**92. Ишлаб чиқариш жараёнида моддий оқимларни бошқариш қайси ёндашувга асосан амалга оширилади?**

А. «узатувчи» ва «айирувчи» тизим

Б. «узатувчи» ва «эргаштирувчи» тизим

В. «узатувчи» ва «тортувчи» тизим

Г. «узатувчи» ва «етакловчи» тизим

**93. Ишлаб чиқаришни логистик бошқарувнинг қайси тизимида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот партияси ҳажмини тезлик билан ўзгартириш мураккаб вазифа ҳисобланади?**

А. «узатувчи» тизимда

Б. «эргаштирувчи» тизимда

В. «тортувчи» тизимда

Г. «етакловчи» тизимда

**94. Маъмурий-бошқарув тизимида маҳсулотни тақсимлаш деганда нима тушунилади?**

А. эгалик ҳуқуқини истеъмолчига бериш тушунилади

Б. маҳсулотни истеъмолчига жисмоний етказиб бериш тушунилади

В. эгалик ҳуқуқини бошқаларга бериш тушунилади

Г. А ва В жавоб тўғри

**95. Жисмоний тақсимот деганда қандай фаолият тушунилади?**

А. тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарилиш жойидан уни истеъмол жойигача

кўчиришни режалаштириш бўйича истеъмолчилар талабини қондириш ва фойда олиш мақсадларини кўзлаб олиб борилувчи фаолият

Б. тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарилиш жойидан уни истеъмол жойигача кўчиришни ташкил этиш бўйича истеъмолчилар талабини қондириш ва фойда олиш мақсадларини кўзлаб олиб борилувчи фаолият

В. тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарилиш жойидан уни истеъмол жойигача кўчиришни назорат қилиш бўйича истеъмолчилар талабини қондириш ва фойда олиш мақсадларини кўзлаб олиб борилувчи фаолият

Г. барча жавоблар тўғри

**96. Тақсимот логистикаси қандай жараён ҳисобланмайди?**

А. тайёр маҳсулотларни тижоратли тақсимлашни бошқариш жараёни

Б. тайёр маҳсулотларни йўналишли ва жисмоний тақсимлашни бошқариш жараёни

В. А ва Б жавоблар тўғри

Г. барча жавоблар нотўғри

**97. Тақсимот канали деганда нима тушунилади?**

А. ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган йўлда маҳсулотни бир-бирига узатувчи ташкилотлар ёки алоҳида шахслар тўғрисидаги ахборот канали тушунилади

Б. ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган йўлда маҳсулотни бир-бирига узатувчи ташкилотлар ёки алоҳида шахслар қатори тушунилади

В. ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган йўлда маҳсулотни бир-бирига узатувчи ташкилотлар ёки алоҳида шахсларга хизмат кўрсатиш канали тушунилади

Г. ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган йўлда маҳсулотни бир-бирига узатувчи ташкилотлар ёки алоҳида шахсларнинг рўйхати тушунилади

**98. Тақсимот логистикасида қайси иштирокчи маҳсулотни ўзи учун сотиб олади?**

А. етказиб берувчи

Б. воситачи

В. истеъмолчи

Г. тўғри жавоб йўқ

**99. Тақсимот логистикаси каналининг ихтисослашган иштирокчиси - ...**

А. бу заҳираларга эгалик қилиш ёки молиявий рискнинг бошқа шакллари билан боғлиқ масъулиятни ўз бўйнига олувчи компания

Б. бу маълум бир рағбат эвазига асосий иштирокчига махсус хизматларни кўрсатувчи компания

В. А ва Б жавоблар тўғри

Г. барча жавоблар тўғри

**100. Тақсимот логистикаси каналининг асосий иштирокчиси – ...**

А. бу заҳираларга эгалик қилиш ёки молиявий рискнинг бошқа шакллари билан боғлиқ масъулиятни ўз бўйнига олувчи компания

Б. бу маълум бир рағбат эвазига асосий иштирокчига махсус хизматларни кўрсатувчи компания

В. А ва Б жавоблар тўғри

Г. тўғри жавоб йўқ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш» кафедраси

**«Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш»**
фанидан

# Назорат саволлари

**Тошкент – 201_**

1. “Логистика инфратузилмалари” атамасига таъриф беринг.
2. Қандай шартлар бажарилганда логистик фаолият мақсадига эришилган ҳисобланади?
3. Логистика инфратузилмалари мақсадини аниқ ифодалаб беринг.
4. Логистика инфратузилмалари фани ўрганадиган объект бўлиб нима ҳисобланади ҳамда қайси турдаги хусусиятлари билан ажралиб туради?
5. Ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш истеъмоли ўртасида қандай фарқ мавжуд?
6. “Логистик йўналиш (канал)”, “логистик занжир”, “логистик тизим” тушунчаларига тарърифберинг.
7. Логистика инфратузилмаларининг асосий функционал соҳаларини айтиб беринг.
8. Давлат ҳамда хусусий секторларда логистика инфратузилмаларининг қайси турдаги муаммолари юзага келади?
9. Ҳарид қилиш логистика инфратузилмаларисининг таърифини беринг.
10. Ҳарид қилиш логистика инфратузилмаларисининг асосий мақсади нимадан иборат?
11. Ҳаридлар қандай режалаштирилишини тушунтиринг.
12. Мол етказиб берувчини танлашда қандай усуллардан фойдаланилади?
13. “Қатъий” ва “эркин” оферталарнинг фарқи нимадан иборат?
14. Мол етказиб берувчини баҳолашнинг эҳтимол бўлган усулларини санаб ўтинг.
15. Эҳтиёжларнинг турларини айтиб беринг. Эҳтиёжни қандай усуллар билан аниқлаш мумкин.
16. Ишлаб чиқариш заҳиралари нима ва улар қандай вазифаларни бажарадилар? Заҳираларни бошқаришнинг қандай асосий тизимлари сизга маълум?
17. АВС ва XYZ усулларининг моҳияти нимадан иборат?
18. JIT тизими бўйича амалга ошириладиган ҳаридларнинг хусусияти нимадан иборат?
19. Материалларга эҳтиёжни режалаштиришнинг қандай тизими сизга маълум?
20. Ишлаб чиқариш логистика инфратузилмалариси тушунчаси нимани ифодалайди?
21. Ишлаб чиқариш логистика инфратузилмаларисининг асосий вазифасининг моҳияти нимадан иборат?
22. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг қайси турлари маълум? Уларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
23. КАНБАН тизимининг моҳиятини тушунтириб беринг.
24. КАНБАН тизимида қайси турдаги карточкалар қўлланилади ва улардан нима мақсадда фойдаланилади?

25. Ишлаб чиқаришни мувозанатлантирувчи методларнинг қайси турлари маълум?
26. Ишлаб чиқариш жараёнини давомийлигини қисқартириш методларининг қайси турларини биласиз?
27. JIT тизими бўйича ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти нимада?
28. Логистик сервис ўзида нимани акс эттиради?
29. Логистик хизматларнинг қайси бир муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатишингиз мумкин?
30. Логистик хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд барча ишлар ҳамда операцияларни қайси мезонлар бўйича ажратилади?
31. Логистик хизмат кўрсатиш самарадорлиги тушунчаси нимани англатади?
32. Логистик хизмат кўсатиш даражасини қандай баҳоланади?
33. Макрологистик ҳамда микрологистик сервиснинг моҳияти нмадан иборат?
34. Халқаро амалиётда қўлланилаётган сервис хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг қайси тизимлари маълум?
35. Логистик ахборот тушунчаси нимани англатади?
36. Ахборот тизмининг моҳияти нимада? Ушбу тизимни тузишдан қайндай мақсад кўзланган?
37. Ахборот тизими қайси турдаги вазифаларни бажаради?
38. “Ахборот оқими” тушунчасининг моҳияти нимадан иборат? Ахборот оқимларининг қайси турдаги гуруҳлари маълум?
39. “Ахборот оқимлари” қандай таснифланади?
40. Барча моддий-техник таъминот таркибига ахборот хизматлари кўрсатилишини таъминлаш учун қайси турдаги ахборот элементлари мавжуд бўлиши зарур?
41. Штрих кодининг моҳияти нимадан иборат? Асосан қайси турдаги штрих кодлари маълум?
42. Тақсимот логистика инфратузилмалариси тушунчасининг моҳияти нимадан иборат?
43. Тақсимот логистика инфратузилмалариси қайси турдаги асосий функцияларни амалга оширади?
44. Ички тартибдаги ҳамда ташқи тартибдаги тақсимот логистика инфратузилмаларисининг вазифаларининг моҳияти нимадан иборат?
45. Тақсимот логистика инфратузилмаларисининг асосини ташкил этадиган принциплар ва ўзига хос хусусиятларни келтириб ўтинг.
46. Тайёр маҳсулотни тақсимлашнинг асосий шаклларини келтириб ўтинг. Қайси турдаги параметрлар тақсимот йўналишини таснифлайди?
47. Логистик воситачиларнинг асосий турларини келтириб ўтинг.
48. Жойлашув стратегияларининг қайси турдаги методлари маълум?
49. Логистик ғамлашга таъриф беринг.

50. Омборлардан фойдаланишни тақозо этадиган асосий сабаблари келтириб ўтинг.
51. Омборнинг асосий вазифалари ва функцияларини келтириб ўтинг.
52. Омбор ишини ташкил этишга қайси турдаги талаблар қўйилади?
53. Омборлар қандай тартибда таснифланади?
54. Омбор биноларининг қайси асосий турлари маълум?
55. Маҳсулот заҳираси ҳисобининг асосий мақсадини нима ташкил этади?
56. Инвентаризация тўғрисида эга бўлган маълумотларингизни келтириб ўтинг.
57. Омборда сақланаётган маҳсулот қандай тартибда назорат қилинади?
58. Омбор технологик жараёнининг моҳияти нимадан иборат?
59. Омборга маҳсулотни қабул қилиш жараёнининг асосий бокичларини таърифлаб беринг.
60. Маҳсулот сақлаш учун қандай тартибда жойлаштирилади? Маҳсулотни жойлаштиришнинг асосий усулларини келтириб ўтинг.
61. Маҳсулотни омбордан чиқариш босқичларини келтириб ўтинг.
62. Талабга жавоб бермайдиган ёки қайтарилаётган маҳсулот бўйича қандай фаолият амалга оширилади?
63. Ўраш қайси турдаги функцияларни амалга оширади? Истеъмолдаги ҳамда саноатдаги ўраш ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
64. Транспортнинг қайси асосий гуруҳлари ажратиб кўрсатилади?
65. Транпорт логистика инфратузилмалариси қайси вазифаларни амалга оширади?
66. Ташишнинг қайси турлари билан танишсиз?
67. Контейнер терминаллари қайси турдаги функцияни бажаради?
68. Ташувчилар учун қайси турдаги тизимлар мавжуд?
69. Аралаш юк ташиш йўлининг моҳияти нимадан иборат?
70. Логистика инфратузилмалари транспорт тизимига қандай таъсир кўрсатади?
71. Транспорт хизматлари сифати бўйича асосий кўрсаткичларни келтириб ўтинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш»
кафедраси

# «Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш»
фанидан

# ГЛОССАРИЙ

Тошкент – 201_

**DRP** (Distribution Requirements Planning) – тақсимлашни бошқаришнинг кенг тарқалган тизими. Бу тизимнинг энг муҳим вазифалари захираларнинг ҳолати устидан назорат килиш, ишлаб чиқариш, таъминот ва сотишнинг алоқаларини шакллантиришдан иборатдир.

**DRP II** (Distribution Resource Planning) – тизимга DRPнинг иккинчи авлоди сифатида қаралади, аммо фарққа эга. Бу ерда ўртача ва узоқ муддатли башоратлаш мумкин.

**LRP** (Logistic Requirements Planning) – корхона даражасида кирувчи ички ва чиқувчи ташқи моддий оқимларни режалаштириш ва назорат қилиш тизими. Тизим заҳираларни бошқаришга интеграцияланган ҳолда ёндашиш, транспорт хизматлари, корхона товарларига талабни башоратланишини таъминлайди.

**ORM** (Quick Response Method) – тизим тез жавоб қайтариш усули бўлади. Чакана ва улгуржи савдо корхоналарида товарларни тақсимлаш марказлари орқали етказиб беришни режалаштириш ва тартибга солиш усули.

**Асосий иштирокчи канали** – бу заҳираларга эгалик қилиш ёки молиявий хатарнинг бошқа катта шакллари билан боғлиқ жавобгарликни ўзига қабул қилувчи корхона.

**Бир боскичли канал** – битта воситачини бўлишини кўзда тутади. Истеъмол бозорларида одатда чакана сотувчи худди шундай воситачи бўлиши мумкин, саноатга мўлжалланган товарлар бозорида эса у кўпинча сотиш бўйича агент ёки бррокердан иборат бўлиши мумкин.

**Брокер** (инг. broker –харидор ва сотувчи ўртасидаги воситачи), ҳаридорлар ва сотувчиларни битим тузиш учун учун учраштиради.

**Дилерлар** – операцияни ўз номларидан ва ўз ҳисобларидан олиб борадилар, товар етказиб бериш шартномаси бўйича ҳарид қилинади ва у бажарилгандан кейин муносабат тўхтатилади.

**Дистрибьютерлар** – операцияни ишлаб чиқарувчи номидан ўзлари ҳисобига олиб борадилар, белгиланган вақтда, белгиланган ҳудудда савдо қилиш ҳуқуқига эгалар.

**Захиралар** – ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган моддий ресурсларнинг ҳар хил турлари.

**Захиралар логистикаси** – омборлардаги заҳираларни бошқариш ва ташкил қилиш билан шуғулланади ва омборхона операцияларига ҳаражатларни назорат килади.

**Икки боскичли канал** – ўз ичига иккита воситачини олади, истеъмол бозорларида одатда улгуржи ва чакана сотувчилар шундай воситачилар бўладилар, улар саноат учун мўлжалланган товарлар бозорларида саноат дистрибъютори ва дилерлардан иборат бўлишлари мумкин.

**Ихтисослаштирилган иштирокчи канали** – бу асосий иштирокчига тегишли мукофот учун муҳим махсус хизматларни кўрсатувчи корхона.

**Ишлаб чиқариш истеъмоли** – бу жамоа маҳсулотидан ишлаб чиқариш заруриятларига меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари сифатида

жорий фойдаланишдир.

**Ишлаб чиқариш логистикаси** – логистиканинг корхона (фирма) ичидаги моддий оқимларни ҳаракатланиши жараёнларини қамраб олувчи соҳаси.

**Кенгликни тақсимлаш каналлари** – каналнинг ҳар бир босқичи учун ажратиладиган тақсимлаш канали иштирокчиларининг сони.

**Комиссионер** (фр. commissionaire – савдо битимларидаги воситачи) – белгиланган мукофот учун савдо топшириқларини бажарувчи шахс.

**Конкурсли савдолар (тендерлар)** – бўлажак етказиб берувчиларни қидириб топишнинг кенг тарқалган шакли.

**Логистик занжир** – бу ташқи, моддий оқимни бир логистик тизимдан бошқасига етказиб бериш бўйича логистик операцияларни амалга оширувчи логистик жараён иштирокчиларининг тўғри чизиқли тартибга солинган тўпламидир.

**Логистик сервис** – товарларни етказиб бериш жараёнида кўрсатиладиган хазматлар мажмуасидан иборатдир.

**Логистик шакл** – бу моддий оқимни аниқ ишлаб чиқарувчидан унинг истеъмолчиларигача етказиб беришни амалга оширувчиларнинг қисман тартибга солинган тўпламидир.

**Логистика** – хом ашё ва материалларни саноат корхоналарига етказиб бериш жараёнида амалга ошириладиган ташиш, омборга жойлаштириш ҳамда бошқа моддий ва номоддий операцияларни режалаштириш, назорат қилиш ва бошқариш, хом ашёни завод ичида қайта ишлаш, истеъмолчига унинг талабларига мувофиқ тайёр маҳсулотни етказиб бериш ҳамда тегишли ахборотни узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш ҳақидаги фан.

**Макрологистика** – логистиканинг етказиб берувчилар ва истеъмолчилар бозорини таҳлил қилиш, тақсимлашнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш, омборларни хизмат кўрсатиш ҳудудига жойлаштириш, транспорт ва транспорт воситалари турини танлаш, транспорт жараёнлари, моддий оқимларнинг рационал йўналишларини, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб бериш шаҳобчаларини ташкил қилиш, тайёр маҳсулотларни етказиб бериш шаҳобчаларини ташкил қилиш, товар ҳаракатланишининг транзитли ва омборли усулини танлаш билан боғлиқ масалаларини ҳал қилувчи соҳаси.

**Маҳсулотни қабул қилиш** – маҳсулотнинг миқдори, сифати ва бутлигини унинг шартномада кўрсатилган таърифлар ва техник шартларга мос келишини текшириш.

**Мезологистика** – бир тармоқнинг бир неча фирмаларини битта тизимга интеграцияланишини амалга оширувчи логистиканинг соҳаси.

**Микрологистика**– логистиканинг алоҳида бўғинлари ва элементлари доирасидаги маҳаллий вазифаларни ҳал қилувчи ва ички ишлаб чиқариш (ички фирма) даражасидаги моддий ва ахборот оқимларини бошқаришни амалга оширувчи соҳаси. Ортиш-тушуриш, транспорт-омборхона ва бошқалар каби ҳар хил логистик операцияларни корхона доирасида режалаштириш бунга мисол бўлади.

**Моддий оқим** – юклар, деталлар, товар-моддий бойликларнинг уларга бир қатор логистик (ташиш, омборга жойлаштириш) ва технологик (механик ишлов бериш, йиғиш)ни қўллаш жараёнида кўриб чиқиладиган мажмуаси.

**Ноишлаб чиқариш истеъмоли** – бу жамоа маҳсулотидан шахсий истеъмолда жорий фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш соҳаси муассасалари ва корхоналаридаги аҳоли истеъмолидир.

**Оқим** – кўчиб юрувчи объектлар, бир бутун сифатида қабул қилинадиган элементлар тўплами тизимидан иборат бўлади. Оқим қуйидаги элементлар билан таърифланади: бошланғич ва якуний нуқта, тезлик, вақт, траектория, йўлнинг узунлиги, интенсивлик.

**Оқимнинг интенсивлиги (жадаллиги)** – вақт бирлигида шаҳобчалар орқали ўтган оқим объектларининг миқдори.

**Омбор** – бу маҳсулотларни қабул қилиш, жойлаштириш, жамлаш, сақлаш, қайта ишлаш, чиқариш ва истеъмолчига етказиб бериш учун мўлжалланган мураккаб техник иншоот (бино, ҳар хил ускуналар ва бошқа қурилмалар).

**Омборга жойлаштириш** – логистик канал иштирокчилари томонидан заҳираларни сақлаб туришдан иборат бўлган ва заҳираларни сақланиши уларни рационал жойлаштирилиши, ҳисобга олиниши, янгиланиши ва ишнинг ҳавфсиз усулларини таъминловчи логистик операциядир.

**Омборга жойлаштириш логистикаси** – бу омборхона хўжалигидаги моддий оқимларни ўзгартириш жараёнида амалга ошириладиган ўзаро богланган операциялар мажмуасидир.

**Омборнинг юк обороти** – ишга меҳнат сарфланишини таърифловчи ва вақтнинг белгиланган қисми (кун, ой, йил) ичида омбор орқали ўтган ҳар хил номлардаги маҳсулотларнинг ҳажми билан ўлчанадиган кўрсаткич.

**Омборхона технологик жараёни** – маҳсулотни қабул қилишга тайёрлаш, маҳсулотни келиб тушиш жойини ўзгартириши, идишлардан чиқарилиши, миқдори ва сифати бўйича қабул қилиниши, маҳсулотни сақлаш учун жойлаштирилиши, идишларга солиниши, танлаб олиниши, бутланиши, чиқаришга тайёрлаш ва истеъмолчига чиқариш билан боғлик изчил бажариладиган операциялар мажмуасидир.

**Омборхона товар обороти** – қийматли кўрсаткичларда акс эттирилган белгиланган вақт ичида омбордан чиқарилган маҳсулот миқдори. Ушбу кўрсаткич нафақат омбордан маҳсулотларни сотилишининг умумий миқдорини, балки уларни алоҳида товар гуруҳлари бўйича сотилишини ҳам кўрсатади.

**Савдо агентлари (вакиллар, ёрдамчилар)** – саноат ва сотувникига бўлинадилар.

**Саноат агентлари (вакиллари)** – корхона сотиш хизматининг ўрнини босадилар, аммо иш ҳақи ва сотиш ҳажмининг 3 дан 10 %гача ўзгариб турувчи комиссион мукофот оладилар.

**Тақсимлаш канали** – бу товарни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчи томон ҳаракатланиши жараёнида иштирок этувчи мустақил юридик ва жисмоний шахслар мажмуаси ҳамда бу ҳаракатга ҳамрох бўлувчи сервис.

**Тақсимлаш логистикаси** – логистиканинг моддий оқимларни ишлаб чиқариш корхонасидан то истеъмолчигача бўлган йўлини сотиш вазифаси қўйилган пайтдан бошлаб то маҳсулотни истеъмолчигача етказиб бериш ёки сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш вазифаси тугалланган пайтгача бошқариш бўйича вазифаларнинг бутун мажмуасини қамраб олувчи соҳаси.

**Тақсимлаш логистикаси** - ноишлаб чиқариш даврида моддий, ахборот, молиявий ва бошқа оқимларни бошқаришнинг эпчил тизимига бир бирлари билан яқиндан боғланган стратегик, ташкилий, молиявий ва бошқа тадбирлар мажмуасидан иборат бўлади.

**Тарқатиш (сотиш) агентлари** – кичик корхоналар билан ишлайдилар ва бутун маҳсулотнинг маркетинги учун жавоб берадилар.

**Транспорт** – бу моддий ишлаб чиқаришнинг одамлар ва юкларни ташилишини амалга оширувчи тармоғи.

**Транспорт логистикаси** – транспорт воситаларини мувофиқлаштириш; транспорт воситаларининг кўринишлари ва турларини танлаш; етказиб беришнинг ҳар хил канали йўналишларини белгилаш; транспорт – омборхона жараёнининг технологик бирлигини таъминлаш.

**Узунликни тақсимлаш каналлари** – товарни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига қараб ҳаракатланини бўйича ишни бажарувчи оралиқ бўғинларнинг сони.

**Умумий фойдаланиш транспорти** – халқ хўжалиги барча тармоқлари ва аҳолининг юклар ва йўловчиларни ташишиларга эҳтиёжларни қаноатлантирувчи халқ хўжалиги тармоғи.

**Умумий фойдаланишга мўлжалланмаган транспорт** – ишлаб чиқаришнинг ичидаги транспорт ҳамда транспорт ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг барча турлари.

**Харидлар логистикаси** – бу корхонани ишлаб чиқариш учун моддий ресурслар билан таъминлаш, уларни омборларга жойлаштириш, сақлаш ва зарурий эҳтиёжда ишлаб чиқаришга топшириш жараёнидир.

**Штрихли код** – белгиланган қоидаларга мувофиқ қурилган ҳар хил кенгликлардаги қора ва оқ йўлларни алмашиб келишидан иборат.

**Юк бирлиги** – товарларнинг ягона масса сифатида юкланадиган, ташиладиган, тушуриладиган ва сақланадиган баъзи бир миқдори, у ўзининг ўлчамлари билан логистик занжирнинг ҳар хил участкаларидаги технологик жараёнларни ягона бир бутунга боғлайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш» кафедраси**

# «Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш»

**фанидан**

# Реферат мавзулари

**Тошкент – 201_**

1. Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича стратегик қарорлар билан боғлиқ рисклар

2. Ўзбекистон Республикасида логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг мақсадлари.

3. Логистик ифратузилма тизимида порталлар ва хаблар, ҳамда уларнинг функциялари.

4. Логистика инфратузилмаларини микро ва макро даражада прогнозлаштириш ва стратегик режалаштириш.

5. Интеграллашган транспорт логистика тизимларида харажатларни тежаш.

6. Нарх шакллантириш тизимида логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва сифатини оширишнинг стимуллари.

7. Инновацион логистика марказларини ривожлантиришнинг хусусиятлари.

8. Ўзбекистон Республикасида логистик маркази ташкил этилиши ва фаолияти.

9. Логистик етказиб бериш занжирида инфратузилма элементлари жойлашувини режалаштириш.

10. Транспорт-экспедиторлик компаниялари хизматлари комплексини кенгайтиришнинг асосий йўналишлари.

11. Халқаро логистик тизим фаолиятида транспорт-экспедиторлик компанияларининг роли ва аҳамияти.

12. Халқаро транспорт коридорлари логистика инфратузилмасининг муҳим қисми сифатида.

13. Логистика инфратузилмаси доирасида омборхона жараёнларини самарали ташкил этиш.

14. Ташқи савдо компаниялари буюртмаларини бошқаришда логистик услублардан фойдаланиш.

15. Ташқи савдо логистикасида заҳираларнинг турлари ва уларни бошқаришнинг моҳияти.

16. Логистика инфратузилмалари элементларини қўллашга нарх ва тарифларни шакллантириш.

17. Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва оптимал қўллаш бўйича харажатларни бошқариш.

18. Логистика инфратузилмаларини фаолият юритиши билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш.

19. Хорижий мамлакатлар логистика инфратузилмаларининг ривожланиши таҳлили.

20. Интеграциянинг турли шаклларида логистика инфратузилмаларини ташкил этиш.

21. Логистика инфратузилмалари элементларининг интеграцияси ва координацияси.

22. Халқаро логистика лойиҳаларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси логистика инфратузилмаларини ривожланиш истиқболлари.

23. Логистика инфратузилмаларини шаклланишида башоратлаш

усулларини қўллаш.

24. Омбор логистикасида стратегик менежментни тутган ўрни.

25. Логистика инфратузилмаларини ривожланиш стратегияси.

26. Логистика инфратузилмаларини шаклланишида стратегик қарорларни қабул қилиш.

27. Логистика инфратузилмаларининг объектларини лойиҳалаштиришда ахборотнинг тутган ўрни.

28. Логистика инфратузилмалари объектларини бошқаришда стратегик қарорларни қабул қилиш.

29. Логистика инфратузилмаларини ташкил этишнинг самарадорлиги ни баҳолаш.

30. Транспортнинг логистика инфратузилмаси элементи сифатида хусусиятлари ва логистика тизимида тутган ўрни.

31. Транспорт логистика инфратузилмасининг асосий элементлари(транспорт тармоғи, узеллари, терминаллари).

32. Логистика инфратузилмаларининг алоҳида элементларини қўллашга нарх ва тарифларни шакллантиришнинг хусусиятлари.

33. Мультимодал транспорт логистик марказлар тушунчаси, уларнинг миссияси, мақсади, вазифалари ва функционал хусусиятлари.

34. Ангрен логистик маркази фаолиятининг мақсади, вазифалари ва функциялари.

35. Ғарбий Европа логистик марказлари. Болтиқ денгизи ҳудудида логистик марказлар.

36. Логистик марказларни ташкил этишнинг Россия тажрибаси.

37. Россияда логистик марказларнинг ривожланиши, шаклланиш тенденциялари ва тарихи.

38. Логистикада терминал турлари ва уларнинг функциялари.

39. Логистистика инфратузилмаларини ташкил қилишнинг худудий тамойиллари.

40. Логистика марказлари ва логистика тармоқлари тушунчалари.

41. Марказий Осиё давлатларида логистик марказлар ва уларнинг ташкил этилиши.

42. Навоий халқаро логистика марказининг мақсадлари ва вазифалари.

43. Нарх шакллантириш тизимида логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва сифатини оширишнинг стимуллари.

44. Логистик марказларнинг турлари ва ривожланиш тенденциялари. Логистик марказларнинг таснифи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш»
кафедраси

# «Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш»

фанидан

# Адабиётлар рўйхати

Тошкент – 201_

## I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 121 б.

## II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида” ги ПҚ-2313 сонли қарори, 6 март 2015 йил

## III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари

3. О мерах по дальнейшему развитию и модернизации предприятий текстильной промышленности и расширению производства отечественных непродовольственных потребительских товаров на 2009-2011 годы: Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 августа 2009 года № 236 //Собрание законодательства Республики Узбекистан – 2009. - № 34. – 372.

## IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

4. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2014. -36 б.

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

## V. Дарсликлар

6. Дыбская В.В., Зайцев Е.И., Сергееев В.И., Стерлитова А.Н. Логистика : учебник. – М.:Эксмо, 2011. – 944 б.

7. Щербаков В.В. Основы логистики : учебник для вузов. – Спб.: Питер, 2009. – 432б.

8. Неруш Ю.М. Логистика : учебник. 4-е изд. – М.: ООО «Изд. Проспект», 2008. – 520б.

9. Бауэрсокс Д.Дж., Клосс Д.Дж. Логистика: интегрированная цепь поставок. 2-е издание. – М.: Олимп-Бизнес, 2008. – 640б.

### VI. Қўшимча адабиётлар.

10.Моисеева Н.К. Экономические основы логистики : учебник. – М. ИНФРА-М, 2008.-528б.

11. Миротина Л.Б., Сергеева. В.И.Основы логистики: Учебное пособие /– М.: Инфра-М, 2002год.

12.Николайчук В. Е. Логистический менеджмент: Учебник / В. Е Николайчук. – 2- е изд. – М.: Издательско- торговая корпорация«Дашков и К», 2012.- 980 с..

13. Қориева Ё.К. Глобаллашув жараёнида халқаро транспорт логистик тизими фаолиятининг самарадорлиги. – Т.: ТДИУ, 2003. – 147б.

### VII. Статистика тўпламлари маълумотлари

14. Инвестиции республики Узбекистан 2014. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2014. – 148с.

15. Промышленность республики Узбекистан 2014. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2014. – 156с.

16. Сельское хозяйство Узбекистана 2014. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2014. – 160с.

### VIII. Интернет сайтлари

17.www.economics.ru
18.www.ved.ru
19.www.ser.uz
20.www.uza.uz
21.www.Lex.uz
22.www.ziyonet.uz
23.www.logistika.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш» кафедраси**

**«Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш»**
фанидан

# Таянч конспект

**Тошкент – 201_**

**1-Мавзу: Инфратузилма шаклланишида логистик ёндашув.**

Инфратузилма тушунчаси, мазмуни ва моҳияти. Инфратузилмани ривожлантириш мақсади. Инфратузилмани ташкил этувчилари. Инфратузилма тизими турлари: бозор инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилма, институционал инфратузилма. Логистика инфратузилмалари тушунчаси, мазмуни ва моҳияти. Бошқарув объекти сифатида логистика инфратузилмалари хусусиятлари. Логистика инфратузилмаларига умумий талаблар. Логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг тизимли методологияси. Логистика инфратузилмаларининг иқтисодий ривожланишга таъсири. Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича стратегик қарорлар билан боғлиқ рисклар.

**2-Мавзу. Логистика инфратузилмаларини ташкил этиш ва лойиҳалаштиришнинг иқтисодий асослари.**

Логистика инфратузилмалари тушунчаси, мазмуни ва моҳияти. Логистика инфратузилмаларини бошқариш тизими. Логистика инфратузилмаларининг асосий элементлари. Иқтисодиётни логистикага таъсири. Логистика занжирини ташкил этишнинг моҳияти. Транспорт ва тақсимлаш марказлари. Логистика тизимларининг асосий тушунчалари ва классификацияси. Логистика инфратузилмаларини шакллантириш асослари. Логистика инфратузилмаларининг функциялари. Мультимодал транспорт логистика марказлари.

**3-Мавзу. Ўзбекистон Республикасида логистика инфратузилмаларини ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 06.03.2015 даги “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Дастури тўғрисида” ги қарори мазмуни. Логистикани стратегик бошқариш. Логистика ва логистика инфратузилмаларини ривожланиш стратегиялари. Стратегик масалаларнинг мохияти, асослари ва турлари. Стратегик рисклар ва уларни олдини олиш. Танланган стратегиянинг бизнес режасини макети. Ишлаб чикариш логистикаси. Логистика инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича стратегияни танлаш. Логистика инфратузилмаларини назорат қилишнинг кўрсаткичлари. Логистика инратузилмалари кўрсаткичларининг мониторинги. Логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг асосий вазифалари.логистика инфратузилмаларини ривожлантиришда иқтисодий-математик услублар. Ўзбекистон Республикасида логистика инфратузилмаларини ривожлантиришнинг мақсадлари.

**4-Мавзу. Логистика инфратузилмаларининг асосий элементлари ва уларни ташкил қилиш.**

Логистика инфратузилмаларининг асосий элементлари. Чизиқли ва хол-хол тизмали логистик инфратузилма элементлари. Логистик ифратузилма тизимида порталлар ва хаблар ҳамда уларнинг функциялари.

Порталлар – иқтисодиётнинг ривожланиш элементи сифатида. Хаблар – логистик тўрларда оқимларни бошқариш элементи сифатида. Транспорт йўлаклари тушунчаси. Логистик тўрларда ва глобал етказиб бериш занжирларида транспорт йўлакларининг роли. Ўзбекистон Республикаси логистик тизимида транспорт йўлаклари, порталлар ва хаблар. Логистик тўрларда терминал тушунчаси. Логистикада терминал турлари ва уларнинг функциялари. Логististика инфратузилмаларини ташкил қилишнинг худудий тамойиллари. Логистика марказлари ва логистика тармоқлари тушунчалари. Логистика марказларини жойлаштиришнинг хусусиятлари. Логистика инфратузилмаларини лойиҳалаштириш, ташкил қилиш ва ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини ошириш. Транспорт соҳасига инвестицияларни жалб этиш муаммолари. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг инновацион лойиҳалари.

### 5-Мавзу. Логистика инфратузилмаларини микро ва макро даражада ривожлантиришнинг муаммолари.

Логистика инфратузилмаларининг микро ва макро даражадаги асосий элементлари, тизимлари ва комплекслари. Логистика жараёнларида омбор комплекслари ва юк терминалларининг самарадорлигини баҳолаш. Транспорт логистика инфратузилмасининг асосий элементлари(транспорт тармоги, узеллари, терминаллари). Логистика инфратузилмаларининг макро даражадаги замонавий таркибий қисмлари иқтисодий самарадорлиги. Логистика инфратузилмаларини микро ва макро даражада прогнозлаштириш ва стратегик режалаштириш.

### 6-Мавзу. Логистика инфратузилмаларига хизмат кўрсатиш харажатлари.

Логистика харажатларининг умумий миқдорида инфратузилмага кетадиган харажатлар тушунчаси ва таркиби. Транспорт харажатларининг асосий турлари ва уларни шакллантиришнинг тамойиллари. Харажатлар классификацияси, ўзгарувчан ва доимий харажатлар. Транспорт экспедитор сервисининг харажатлари. Юк етказиб беришнинг мульти модал технологиялари транспортининг харажатлари. Интеграллашган транспорт логистика тизимларида харажатларни тежаш. Микро ва макро даражада логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва оптимал қўллаш бўйича харажатларни бошкариш.

### 7-Мавзу. Логистика инфратузилмалари тизимида нархни шакллантириш.

Логистика тизимларида нархни шакллантиришнинг асосий тамойиллари ва усуллари. Логистика инфратузилмаларининг алоҳида элементларини қўллашга нарх ва тарифларни шакллантиришнинг хусусиятлари. Логистика инфратузилмалари хизматларининг нарх ва тарифларини давлат томонидан бошқариш. Нарх шакллантириш тизимида

логистика инфратузилмаларини ривожлантириш ва сифатини оширишнинг стимуллари. Транспорт хизматларида нарх шаклланишининг механизми ва хусусиятлари. Логистика хизматлари халқаро бозорларида нарх шаклланиши тенденциялари.

**8-Мавзу. Логистик марказлар ва уларни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси.**

Логистик марказларни шакллантиришнинг хорижий тажрибаси. Логистик марказларнинг турлари ва ривожланиш тенденциялари. Логистик марказларнинг таснифи. Логистик марказлар шаклланишининг методологик тамойиллари. Европа Иттифоқида логистик марказларни ташкил этишнинг моҳияти ва йўллари. Ғарбий Европа логистик марказлари. Болтиқ денгизи ҳудудида логистик марказлар. Логистик марказларни ташкил этишнинг Россия тажрибаси. Россияда логистик марказларнинг ривожланиши, шаклланиш тенденциялари ва тарихи. Россиянинг “Шимолий-ғарб” логистик тизими ва логистик марказлар тўри. Марказий Осиё давлатларида логистик марказлар ва уларнинг ташкил этилиши. Мультимодал транспорт логистик марказлар тушунчаси, уларнинг миссияси, мақсади, вазифалари ва функционал хусусиятлари.

**9-Мавзу. Ўзбекистон Республикасида Ангрен логистик маркази ташкил этилиши ва фаолияти.**

Ўзбекистон Республикасида Ангрен логистик маркази ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари. Ангрен логистик маркази фаолиятининг мақсади, вазифалари ва функциялари. Ангрен логистик марказининг бошқарув тузилиши таҳлили. Ангрен логистик марказининг маркетинг стратегияси. Ангрен логистик марказининг асосий мижозлари. Ангрен логистик марказининг асосий хизмат турлари: автомобил транспорти турлари, темир йўл транспорти турлари, юкларни экспедиция қилиш, юкларни ортиш ва тушуриш хизматлари, омборхоналаштириш хизматлари, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш хизматлари ва бошқа хизматлар. Ангрен логистик марказининг хизмат тарифлари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# «ЛОГИСТИК ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ФАНИДАН КУРС ИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМАГАН

**Тошкент – 201_**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# “ЛОГИСТИКА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” ФАНИДАН ФОЙДАЛИ МАСЛАХАТ ВА ТАВСИЯЛАР

**Тошкент-201_**

**1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: "Ўзбекистон", 2002.
1.2. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси бож тарифи тўғрисида" ги қонуни, Т.: "Ўзбекистон", 1997.
1.3. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонун, Т.: "Ўзбекистон", 1996.
1.4. Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш туғрисида"ги қонуни, 2003 й. 11 декабр.
1.5.Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида" ги қонуни. 2002 йил 4 апрел.
1.6. Ўзбекистон Республикаси "Божхона кодекси", 2000 йил.

**2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари**

2.1«Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 14.06.2005.
2.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг "ТИФни тартибга солишни қўшимча чора-тадбирлари" 2009 йил 5.08.2009 йилдаги ПҚ-1169-сон қарори.
2.3.«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. //«Халқ сўзи» 2005 йил 12 январ.
2.4.«Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. 2014 йил декабрь //Халқ сўзи. - 2014. - № 238. – декабрь. – 1 б.

**3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорлари**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мащкамасининг 30 июл 1997 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарори
3.2. «Пул-кредит кўрсаткичларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамасининг қарори. 2003 йил 4 феврал.
3.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисобот тузишни такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида. Тошкент шахар 2005 йил 15 июн. Халк сузи 2005 йил 17 июн.
3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Ташқи иктисодий фаолиятни тартибга солишни такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги 2001 йил 2 февралдаги 66 - сонли қарори

## 4. Интернет сайтлари


1. .www.travel-library.com
2. www.thebanker.com
3. http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm
4. .http://www.costoms.ru
5. .http://www.boi.or.
6. www/ costoms.uz.
7. .www.gov.uz
8. www.rambler.ru
9. www.customs.com
10. www.wto.com
11. www.gtk.uzhttp://www.stat.uz
12. http://www. soliq.uz
13. http://www.cbu.uz
14. http://www.wordbank.org.
15. http://www.ebrd.org.
16. http://www.imf.org
17. www.logistka.uz
18. www.transport-law.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

"ЛОГИСТИКА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ" ФАНИДАН РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА

# УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тошкент-201_

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**
«Магистратура» бўлими
Илмий кенгаш раиси Б.Усмонов

___________________

«___» _____________ 201_ й.

**«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»**
«Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш» кафедраси
мажлиси раиси _________ доц.Кучаров А.С.
(кафедра мажлисининг № ____ сонли баённомаси
«___» ______________ 201_ й.)

**Тузувчилар:**
© М.С.Қосимова "ТИФда транспорт ташувлари" фанидан рейтинг тизими асосида талабалар билимини баҳолаш бўйича услубий кўрсатма – Т.: ТДИУ. 201_ . б.

# АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

"ТИФда транспорт ташувлари" фани бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек, жорий ва оралиқ назоратларининг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- **жорий назорат (ЖН)** - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллеквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;
- **оралиқ назорат (ОН)** - семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг назарий билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорат бир семестрда икки марта ўтказилади ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;
- **якуний назорат (ЯН)** - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган "Ёзма иш" шаклида ўтказилади.

**ОН** ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда **ОН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ОН** қайта ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан мониторинг ва ички назорат бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида **ЯН** ни ўтказиш жараёни мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда **ЯН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ЯН** қайта ўтказилади.

Талабанинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Фан бўйича талабаларнинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади, шундан: Я.Н.-30 балл, Ж.Н.-35 балл ва О.Н.-35 балл қилиб тақсимланади.

| Балл | Баҳо | Талабаларнинг билим даражаси |
|---|---|---|
| 86-100 | Аъло | Хулоса ва қарор қабул қилиш. Ижодий фикрлай олиш. Мустақил мушоҳада юрита олиш. Олган билимларини амалда қўллай олиш. Моҳиятини |

| | | |
|---|---|---|
| | | тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш |
| 71-85 | Яхши | Мустақил мушоҳада қилиш. Олган билимларини амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш |
| 55-70 | Қониқарли | Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш |
| 0-54 | Қониқарсиз | Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик |

Фан бўйича саралаш бали 55 баллни ташкил этади. Талабанинг саралаш баллдан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайди.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади: $R$=V*Ў/100,

бу ерда: V- семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда); *Ў* -фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талаба якуний назоратга киритилмайди.

Жорий **ЖН** ва оралиқ **ОН** турлари бўйича 55 балл ва ундан юқори бални тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

**ОН** ва **ЯН** турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. **ЯН** семестрнинг охирги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

**ЖН** ва **ОН** назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун эса якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Талабанинг семестрда **ЖН** ва **ОН** турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр давомида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндиси 55 балдан кам бўлса, у академик қарздор деб ҳисобланади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) нафардан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда

ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув-услубий бошқарма ҳамда мониторинг ва ички назорат бўлими томонидан назорат қилинади.

**Талабалар ЖН ва ОНдан тўплайдиган балларнинг намунавий мезонлари**

| т/р | Назорат туридаги топшириқларнинг номланиши | Максимал йиғиш мумкин бўлган балл | ЖН ва ОН баллар тақсимоти | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Жорий назоратдаги баллар тақсимоти** | | **35 балл** | *1-ЖН (15 б)* | *2-ЖН (14 б)* | *3-ЖН (6 б)* |
| ***Маъруза машғулотларда*** | | | | | |
| 1. | Талабанинг маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равищда конспект юритиши учун | 6 | 3 | 2 | 1 |
| 2. | Мустакил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши (кейс-стадилар, эссе, реферат, тақдимот ва бошқа турдаги мустақил таълим топшириқлари) | 9 | 3 | 3 | 3 |
| ***Амалий машғулотларда*** | | | | | |
| 1 | Талабанинг машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқ (масала, мисол) ларни бажарганлиги учун | 20 | 9 | 9 | 2 |
| **II. Оралиқ назорат** | | **35 балл** | | | |
| 1. | Биринчи оралиқ назорат (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади) | 15 | Семестрнинг 10-ҳафтаси | | |
| 2. | Иккинчи оралиқ назорат (маърузачи ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).<br>Иккинчи оралиқ назорат 2 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич, 10 балл-талаба якка тартибда топшириқлар олади ва ҳимоя қилади. Иккинчи босқич, 10 балл-талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (ҳар бир гуруҳда талабалар сони 5-7 тагача бўлиши мумкин), ҳар бир гуруҳга | 20 | Семестрнинг 11-17-ҳафталар оралиғида | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | алоҳида топшириқлар берилади ва ҳимоя қабул қилинади. Топшириқлар 2-3-ҳафталар оралиғида талабаларга бириктирилади. Гуруҳнинг фаоллиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантиқий боғликлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади. Гуруҳдаги ҳар бир талабага 0-10 оралиғида бир хил балл қўйилади. Ҳимоя кафедра мудири томонидан тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади | | |
| **III. Якуний назорат** | | **30 балл** | Семестрнинг охирги икки ҳафтасида |
| **Жами:** | | **100 балл** | |

***Изоҳ.*** Ж.Н. ва О.Н. бўйича талабалар рейтинг балларининг тақсимоти шу фан бўйича ишлаб чиқилган силлабусда батафсил келтирилади.

Якуний назорат “Ёзма иш” шаклида белгиланган бўлса, у ҳолда якуний назорат 30 баллик “Ёзма иш” вариантлари асосида ўтказилади.

Агар якуний назорат марказлашган тест асосида ташкил этилган бўлиб фан бўйича якуний назорат “Тест” шаклида белгиланган бўлса, у ҳолда якуний назорат қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

| № | Кўрсаткичлар | ЯН баллари | |
|---|---|---|---|
| | | **максимал балл** | **ўзгариш оралиғи** |
| 1. | Фан бўйича якуний ёзма иш назорати | 30 | 0-30 |
| 2. | Фан бўйича якуний тест назорати | 30 | 0-30 |
| | **Жами** | **30** | **0-30** |

**Якуний назоратни “Ёзма иш” асосида ўтказиш**

**М Е З О Н И**

Талабалар фандан якуний назоратни тест топшириқлари ёки “Ёзма иш” усулида топширадилар ва уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 0 дан 30 баллгача баҳоланади. Агар якуний назорат “Ёзма иш” усулида амалга оширилса, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариантда мавзулар юзасидан

бештадан савол бўлиб, ҳар бир саволга тегишли жавоблар ёзилади. Ҳар бир саволга ёзилган жавоблар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 0-6 балл оралиғида баҳоланади. Берилган ҳар бир саволға талаба томонидан фаннинг назарий ва услубий асослари тўғри ва тўлиқ ёритилса, фан доирасида мустақил фикрга эга бўлса ва уни ёзма шаклда баён эта олса, жавобда мантиқий яхлитликка эришилса, ўзлаштириш умумий кўрсаткичи 0-6 балл билан баҳоланади.

Берилган ҳар бир саволга жавоб ёзилмаса, нотўғри жавоб ёзилса ёки ўқув адабиётидан сўзма-сўз кўчириб ёзилса, амалий топшириқ шартида белгиланган амаллар бажарилмаса, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга таъсир этувчи омиллар аниқланмаса, хулоса ёзилмаса ўзлаштириш кўрсаткичи 0-1 балл билан баҳоланади. Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг ҳар бири учун ёзилган жавобларга қўйилган ўзлаштириш баллари қўшилади ва йиғинди талабанинг якуний назорат бўйича ўзлаштириш бали ҳисобланади.

**Якуний назоратни "Тест топшириқлари" асосида ўтказиш**
**М Е З О Н И**

Агар якуний назорат "Тест топшириқлари" асосида амалга оширилса, синов кўп вариантли усулда компьютер синфларида ўтказилади. Ҳар бир вариантда 30 тадан тест топшириғи бўлиб, талабага саволларнинг жавобини белгилаш учун 30 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тест топшириғига талаба томонидан берилган жавоблар 1 балл билан баҳоланади.